

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

(Монография)

«Имом Бухорий халқаро маркази» нашриёти
Самарқанд – 2020

УЎК 28-725(091)
КБК 86.38г
Н-14

Абдулхолиқ Ғиждувоний (Монография) Матн / Гулчехра Наврўзова. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. – 108 б.

Мазкур монографияда Бухорои Шарифнинг биринчи пири Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёт йўллари ва маънавий мерослари ҳақидаги манбалар асосида маълумот берилган. Монография ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф таълимотининг тадқиқотчилари ҳамда мазкур масалалар билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир:
Ҳайдархон Йўлдошхўжаев,
тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:
Абира Ҳусейнова,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Мақсуда Ходжиева,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2905-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

Бухоро муҳандислик-технология институти илмий кенгаши томонидан 2019 йил 29 ноябрдаги 3-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6161-7-2


© Гулчехра Наврўзова
© Имом Бухорий халқаро маркази – 2020



КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 11 июлдаги Ф-4988-сонли “Абдулхолик Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Бухоро вилояти ҳокимининг 2017 йил 14 июлдаги 441-қарорида бутун умрини инсоният маънавий-руҳий камолоти йўлига бағишлаган буюк ватандошларимиз Хожаи Жаҳон номи билан маълум ва машҳур Абдулхолик Гиждувоний ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини, улар қолдирган бой илмий-диний ҳамда маънавий-маърифий меросининг инсонпарварлик моҳиятини чуқур ўрганиш, шу асосда халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш зарурлиги таъкидланган. Президентимизнинг фармойиши ва вилоят ҳокимининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида биз Абдулхолик Гиждувонийнинг ҳаётлари ва меро сларини манбалар асосида илмий таҳлил этиб, бу монографияни ёзишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Абдулхолик Гиждувонийга доир манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин: Биринчи даражали асосий манбалар – Абдулхолик Гиждувонийнинг ўзлари ёзган, яъни у кишининг қаламига мансуб асарлар: “Васиятнома”, “Одоби тариқат”, “Рисолаи васоё”, “Ибтидои жомеъ ул-калон”, “Рисолаи соҳибия”, “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи фуқа-



роия”, “Рисолаи шайх уш – шуоҳ ҳазрат Юсуф Ҳамадоний” ва номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарларидир. Иккинчи даражали асосий манбалар – Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаёт йўли ва таълимотларига оид маноқиб, мақомот, тазкира ва рисоалар: Ориф Ревгарийнинг “Орифнома”, Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул-хитоб”, Шайх Аҳмад Бухорийнинг “Маслак ул-орифин”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот-ул унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Маноқибӣ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний”, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Маҳдуми Аъзамнинг “Маноқибӣ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний”, Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи Нақшбандия”, Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ул-толибин”, Носириддин ал-Ҳанафий ал-Ҳасаний ал-Бухорийнинг “Тўҳфат уз-зоирин”, Муҳаммад Дорошукуҳнинг “Сафинат ул-авлиё”, Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг “Ҳазинат ул-асфиё”, Халил Иброҳим Сорий ўғлининг Салоҳ ибн Муборак Бухорийни “Анис ул-толибин ва уддат ус-соликин” асарининг нашрига илова этган илмий мақоласи, Васлий Самарқандийнинг “Назм ус-силсила”, Саъид Нафисийнинг “Рисолаи соҳибия”га муқаддимаси ва бошқалар.

Учинчи даражали манбалар – Абдулхолиқ Ғиждувонийга бағишланган диссертация, у киши таваллудининг 890 ҳамда 900 йиллиги тантаналари муносабати билан нашр этилган илмий мақола, рисола, анжуман тўпламлари ва илмий асарлар. Бундай асарлар муаллифлари сифатида Нажмиддин Комилов, Муҳаммад Болтаев, Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева, Мавжуда Раззоқова, Ориф Усмон, Шайх

Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов, Баҳодир Қазоқов, Фотима Тимур, Убайдулло Қосимов, Ойгул Шарипова, Сайфиддин Сайфуллох, Нодирхон Ҳасан, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим, Мирза Кенжабек, Нигора Сафарова, Ибодат Ражабова, Нигора Нурматова, Гуломхон Ғафуров, Мансуржон Азим ўғли, Эркин Зоиров, Гуландом Юнусова, Давронбек Қодиров, Ўғилой Мавлонова, Комилжон Каттаев, Ҳамиджон Ҳомидий, Холида Раҳматова, Мавлуда Раҳмонова, Азалшоҳ Ҳамроев, Эргаш Очилов ва бошқаларни алоҳида тилга олиш зарурдир.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимларининг бир неча рисоаларини чоп этдилар. Булар Ориф Усмоннинг “Ғиждувоний таълимоти”, Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқованинг “Ғиждувоний ҳақида рисола ва мақолалар”, Маҳмуд Ҳасаний ва Каромат Қиличеванинг “Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида” асарларидир. Шу билан бирга “Мовароуннаҳр” нашриётидан Ориф Усмоннинг “Шайх Абдулхолиқ Ғиждувоний” номидаги илмий-оммабоп рисоласи чоп этилган.

“Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида” деган рисолада Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида Муҳаммад Порсо, Абдурахмон Жомий, Али Сафий, Муҳаммад Толиб, Носириддин ал Ҳанафий, Муҳаммад Дорошукх, Гулом Сарвар Лоҳурий, Халил Иброҳим Сори ўғли, Васлий Самарқандий ва Саъид Нафисийнинг Ғиждувоний ҳақидаги маълумотлари келтирилган.



Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаёти ва таълимотига оид асосий манбалар ва уларнинг таржимаси, илмий ва бадиий тадқиқотлар асосида бу улуғ зотнинг туғилишлари, устозлари, маънавий мерослари, ҳаётбахш ўғит ва рубоийлари, тасаввуфга оид айтган ғоялари, устозлари Юсуф Ҳамадонийга бўлган эҳтиромлари, у киши асослаган хожагон таълимоти моҳияти, бу улуғ зот киритган тўрт ҳаётбахш рашҳа, шогирдлари Ориф Ревгарийнинг эътирофи, ҳаётларига доир ибратли ривоятлар. Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий устози эканликлари ва вафотлари ҳақида имкониятимиз доирасида ёзиб, бу табаррук зотнинг ҳаёт тарзлари, маънавий даражалари, нурларидан ҳозирги ва келажак авлодни баҳраманд қилишни ният қилдик. Бу монографияни ўқиган инсон Абдулхолиқ Ғиждувоний каби улуғ ва табаррук зотга Муҳаммад (с.а.в.)га берилган илоҳий, асл ҳақиқий нурларнинг силсилаи шариф орқали келиб етган шуълалари ва файзларидан баҳра олишларига умидвормиз. Асарни тайёрлашда устоз Маҳмуд Ҳасаний таржима этган асарлардан фойдаланганлигимиз учун у кишига Оллоҳдан алоҳида ажр тилаймиз. Монографияни тайёрлашда холис, самимий ёрдамини аямаган Дилбархон Акобировага ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Ишимизда айрим камчиликлар бўлса, олдиндан Сиздан узр сўраб, фикр – мулоҳазаларингизни кутиб қоламыз.



ХОЖАИ ЖАҲОН ТАВСИФИ

Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Силсилаи шарифдаги ўнинчи ҳалқанинг пири, Бухорои шарифдаги “Етти пир”-нинг биринчиси, хожагон таълимотининг асосчиси-дир.

Абдулхолиқ Ғиждувоний бўйи узун, бошлари катта, буғдой рангли, қалин қошли, чехраси чиройли, кўкрак ва елкалари кенг бўлган. У киши донишманд зот эди. Асл исмлари Абдулхолиқ бўлиб, Ғиждувонда туғилганликлари учун Ғиждувоний дейдилар. Камолотни юксак даражасига етганликлари ва бутун бани башарга Ҳақ йўлини кўрсатганлари учун у кишини Хожаи Жаҳон, яъни бутун жаҳоннинг хожаси деб атаганлар. У киши туфайли Ғиждувон шаҳрини ҳам Хожаи Жаҳон номи билан тилга оладилар.

Ориф Ревгарий Моҳитобон ўзининг “Орифнома” асарида Хожаи Жаҳонни “Маъдани ҳақойиқ, толеъ ул-алойиқ, жаноби фоиқ, қошифи субҳоний, дину дунё шайхи, муқтадоси ва мавлоноси”, “муршид ал-халойиқ”, “зоҳири ботинига мувофиқ”, “тариқат аҳлининг раиси, зоти бобаракот”, соҳибкаромат сифатида тавсифлаган.

Муҳаммад Порсо “Фасл ул-хитоб” асаридаги “Баъзи аз маноқиб ва шамойили ҳазрати Хожагон” (“Ҳазрати Хожагоннинг баъзи маноқиб ва шамойиллари” борасида) деган бобда Абдулхолиқ Ғиждувонийга қуйидагича таъриф берганлар: “Хожаи Жаҳон ҳақиқий шайх, ҳаққоний қутб, нурларнинг тулуъ қилиш манбаи, сирларнинг маҳзани, маънолар ҳақиқатини кашф қилувчисидир. Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг равиши, йўли тариқатда



ҳужжатдир ва барча гуруҳлар наздида мақбулдир. Ул зот доимо сидқу сафо билан Мустафо (с.а.в) шариати ва суннатига тобеъликка, бидъат ва ҳаводан қочишга интилган, ўзининг пок равишини ғайриларнинг равишидан пинҳон тутганлар”.

Маҳдуми Аъзамнинг “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарида Хожаи Жаҳоннинг камолот даражалари ҳақида қуйидаги маълумот берилган: “Орифлар султони, Ҳақ йўлининг намоёндаси, машойихлар оламининг Шайхи, раҳм-шафқатни хорликдан устун биладиган, Раббоний илмнинг буюк ғаввоси, қутби замон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний авлиёи замон ва тариқат илмининг асосчиси бўлган.

Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ут-толибин” (Толибларнинг мақсади) асарида Хожага қуйидагича тавсиф берилган: “(Хожа Абдулхолиқ) зоҳирий ва ботиний илмни эгаллаган, муфассир ва муҳаддис олим эдилар. Ўз ҳолини халқдан яширин тутар эдилар”.

Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи Нақшбандия” асарида Хожаи Жаҳонга шундай таъриф берилган:

Дар шариат фариди вақту замон,
Дар тариқат ваҳиди қутби макон.
Дар раҳи фақр ҳамчу шоҳ омад,
Бар дараш чун гадойи моҳ омад.

Мазмуни:

Шариатда вақту замоннинг яғонаси,
Тариқатда маконнинг яғона қутби.
Фақр йўлида шоҳ каби келди,
Аллоҳ эшигига тазарру билан ба мисоли ой
каби келди.

Яссавия тариқатида бўлган ҳазрати Занги Ота силсиласидаги машойих Султон Аҳмад Ҳазиний “Манба ул-абҳор фи риёзул-аброр” (Яхшилар боғларидаги денгизлар манбаси) асарида Бухорои Шарифнинг биринчи пири Абдулхолиқ Ғиждувонийга қуйидагича тавсиф берилган:

Хожа Абдулхолиқ ул пири Худо,
Нақшбандияда шайхи порсо.

Руҳи ўлди Мир Баҳоуддинга пир,
Мир Баҳоуддинга удур дастгир.

Хафияда раҳдону бир паҳлавон,
Ғиждувонда муқтадои навжавон.

Ғиждувон ул Хожадин хайрул билод,
Мақдаминдин маъбад аҳли рашод.

Каъбаи арбоби дилдир марқади,
Қиблагоҳ аҳли ирфон машҳади.

Нақшбандия унингла сарафроз,
Чашмаи ахфосидин дарёи рост.

Халил Иброҳим Сорий ўғли Ғиждувонийни шундай тавсиф этган: “Абдулхолиқ ўз халафлари бўлмиш Нақшбандийларкабиўртача йўлтутувчи сўфийлардан эди. У суннат ва шариатга доимий амал қилувчи эди. Жаҳрия зикрига мункир эди. Хуфия зикрини зикр деб биларди”.



Абдулхолиқ Ғиждувонийга оид манбаларни тар-
жима этган олим Маҳмуд Ҳасаний 110 мисрадан
иборат Ғиждувоний ҳақида қасида ёзган ва унда Хо-
жани жуда гўзал услубда тавсифлаган. Хожаи Жаҳон
тавсифини шу қасидадан олинган парча билан якун-
ламоқчимиз:

*Тариқати Хожагон сардори Ғиждувоний,
Ушбу йўлнинг қуввату мадори Ғиждувоний,
Тасаввуф бир боғ бўлса баҳори Ғиждувоний,
Дил уйининг сафоси-оҳори Ғиждувоний,
Олимлар ичра дурри шаҳвори Ғиждувоний.*

ТУҒИЛИШГА ОИД КАРОМАТЛАР

Абдулхолиқ Ғиждувоний 1103 йил Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида таваллуд топганлар. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарларининг “Шайхнинг Самарқандга келиш сабаби” бобида ота-оналари ҳақида маълумот берганлар. Манбада ёзилишича: “Малатя (Туркиядаги шаҳар)да Имом Молик наслидан Абдулжамил исмли бир юз ўн уч ёшли бир одам яшар эди. У Ҳақтаолодин бир солиҳ фарзанд тилар эди. Ўша даврда Малатя подшоҳига қарши душман пайдо бўлиб, уни мамлакатдан қувиб чиқариб, Малатя мулкани эгаллаб олади”. Имом Абдулжамил подшоҳга тож-тахтини қайтариб олиб беришга ёрдам беради. Малатя подшоси ўз қизини Имом Абдулжамилга никоҳлаб беради ва Имом Абдулжамил рафиқалари билан Бухорои Шарифнинг Ғиждувон мавзесига кўчиб келадилар. Буларга Аллоҳ ўз даргоҳидан ўғил фарзанд ато этади ва унга Абдулхолиқ – яъни Холиқ – Парвардигори олам, бутун борлиқни яратган, халқ қилган зотнинг бандаси деган гўзал исм қўядилар.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг оталари Имом Абдулжамил ва оналари Малатя подшосининг қизи бўлган эканлар. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний илк таълимни отасидан олган, кейин эса Имом Садриддин қўлида тафсир илмини ўрганган. Хожа Абдулхолиқнинг оталари Шайх Абдулжалил зиёли ва маърифатли инсон бўлиб, Рум (ҳозирги Туркия) нинг кўзга кўринган олимлардан бўлган. У киши аҳли сунна ва жамоа тўрт мазҳабидан бири бўлган моликия мазҳаби асосчиси Имом Молик (713-795) нинг



жияни, Шайх Хусайннинг ўғлидирлар. У киши фикҳ илмининг соҳиби бўлиб, фикҳ мактабларини очган. Улар Туркиянинг Малатя шаҳридан Бухорога кўчиб келиб, Ғиждувон шаҳрига жойлашган. Кейинчалик Ғиждувон каби муқаддас диёрда Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллуд топганлар.

САБОҚ БЕРГАН УСТОЗЛАР

Манбаларда Абдулхолиқ Гиждувонийнинг илм олишлари ҳақида маълумотлар берилган. Мансуржон Азим ўғли томонидан манбалар таҳлили асосида тайёрланган “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” номли тарихий ва маърифий рисолада хожагон-нақшбандия пирлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу рисолада ёзилишича, Абдулхолиқга бошланғич билимни оталари берганлар. У киши беш ёшга етганларида, оталари вафот этадилар. Отасининг вафотидан кейин Абдулхолиқ Гиждувоний китоб мутолааси билан банд бўлади ва тўққиз ёшгача Қуръонни ёдлаб, қироат қиладиган даражага етади. Абдулхолиқ Қуръон қироат қилаётганларида овозлари шу даражада хуш эдики, уни тинглаш учун қўшнилари том бошига чиқиб ўтирардилар. У киши ўн бир ёшга етганда Бухоро шахристонида бориб, Ҳазрат Имом Садриддиндан тафсир, фикҳ илмини ўргана бошлади. Фикҳ илмини ўргангандан кейин Имом Молик китобларини мутолаа қилди.

Манбада таъкидланадики, Абдулхолиқ Имом Садриддиндан тафсир илмини ўрганаётган вақтида Қуръони Каримнинг “Аъроф” сурасининг 55-оятини ўқиб, унинг маъносини устоздан сўрайди: “Эй устоз! Агар зокир овоз чиқариб зикр этса, бу ҳол ўзгаларга аён бўлур. Мабодо дилда, яъни овоз чиқармай зикр этса, Шайтон воқиф бўлур. Чунки “Шайтон одам фарзандининг томирида қондай оқиб юради” ҳадиси бунга ишоратдур. Хўш, унда хуфя зикр этиш қоидаси ва тартиби қандай бўлур?”

Устозлари Имом Садриддин Абдулхолиқнинг бу саволига шундай жавоб берадилар: “Эй фарзанд! Сен



сўраётган илм ладуний илмдир. Яъни Аллоҳ ёнида бўлган илмдир. Агар Аллоҳ таоло ладуний илмни сенга маълум қилмоқни хоҳласа, албатта Аҳдуллоҳ яъни Аллоҳ одамларидан бирини ёнингга юборади ва у сени бу илмдан воқиф қилур”. Бу суҳбатдан кейин Абдулҳолиқ Ғиждувоний бутун борлиқлари билан мунтазир бўлиб, ладуний илм берадиган устозни кута бошлайдилар.

Мухлис Намангонийнинг “Тухфатул обидин” китобларида ҳазрати Хожаи Жаҳонга бағишланган ғазалда яна бир устозларининг номи Хожа Фазлиддин эканлиги ҳақида қуйидаги маълумот берилган:

*Балх ичинда бир муршид оти Хожа Фазлиддин,
Вайсийдин назар топган эрди пири бо тамкин.
Анга Хожа (Абдулҳолиқ) бериб қўл ким бориб Бухородин,
Ўн бир йил қилиб хизмат тегди рухсат ул пирдин.
Бошима ҳумо янглиғ шукур соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожаи Жаҳоним бор.*

Хожа Абдулҳолиқ 22 ёшга етганларида, шайхул шуюх, олими Раббоний, қутби аср, соҳибқаромат авлиё, юксак мақомот соҳиби, пиру муршид, алломаи замон, “Одоби тариқат”, “Инсон ва коинот ҳақида рисола”, “Рутбатул ҳаёт” каби бир неча асарлар муаллифи Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) Бухорога келиб, ирфоний мактаб ташкил этадилар.

Алишер Навоий бу ҳақда шундай маълумот берганлар: “Шайх уш-шуюх олиму орифи раббоний хожа имом Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадоний Бухорога келибдурлар ва Хожа Абдулҳолиқ алар суҳбатига етибдурлар ва маълум қилибдурларки, аларда ҳам кўнгил зикри бор”.

Абдулхолиқ Гиждувоний устозлари Юсуф Ҳамадонийга бағишлаб асар ёзганлар. У киши “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида устозларини меҳрмуҳаббат билан гўзал бир равишда тавсиф этганлар. Бу асарни Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан ўзбек тилига ўгириб, 2003 йилда нашр этганлар. “Мақомот” асарида Юсуф Ҳамадоний ўғитлари, таваллуд, ахлоқ ва шамоиллари, вафот тарихлари ёритилган. Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ Гиждувонийга ўғит берганларким, “Ҳуш дар дам доред, назар бар қадам доред, сафар дар ватан доред, хилват дар анжуман доред” яъни “Ҳар дамда ҳушёр бўлинг, назарингиз қўядиган қадамингизда бўлсин, ватанингизда сафарда бўлинг, хилватингиз анжуманда бўлсин”.

Сайид Аҳмад Васлийнинг “Назм ус-силсила” асарида Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ҳақида ёзилган маълумотда ҳам у кишини Юсуф Ҳамадонийга муҳаббати назмий ҳолда тасвирланган.

**Аз он жаноб ба жаноби
Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қ.с.**

Ҳар касе азми иродат кард фош,
Шуд муридаш хожаи арш ифтирош.

Хожа Абдулхолиқ он шоҳи жаҳон,
Мавтани он пири комил Гиждувон.

Истимои иззу жоҳи ў (Юсуф Ҳамадоний) намуд,
Азму жазми хонақоҳи ў намуд.

Аз ғами ишқаш ҳами дар уфқ бишуд,
Чун Зулайхо ошиқи Юсуф бишуд.



Омаду дар хонақоҳаш жо гирифт
Чун зиё дар дидаҳо маъво гирифт.

Шуд мурид ў, баргирифт аз ў сабоқ,
Доимо шуд муштариб дар зикри Ҳақ.

Рафта-рафта матлаи анвор шуд,
Ботини ганжинаи асрор шуд.

З-илтифоти муршиди соҳибкамол,
Нури нисбат бо дилаш кард интиқол.

Гашт зоҳир хожаги з-он олишон,
Васли солияш бишуд Хожаи Жаҳон

Жумла асрори хафи зоҳир бигашт,
Хизри раҳбар назди ў ҳозир бигашт.

Зикри хуфя дам-бадам таълим дод,
Аз дили жон Хожаи дин кард ёд.

Шуд замини Ғиждувон мисли жанон,
Омад ин жо аҳли ирфони жаҳон.

Мазмуни:

**У жанобдан Жаноб
Абдулҳолиқ Ғиждувоний қ.с. га**

Ҳар киши сидқу ихлос билан азм қилса,
Унга арш пояндози бўлган киши ҳам мурид бўлади.

Хожа Абдулхолиқ ул жаҳон шоҳи,
Бу пири комилнинг ватани Ғиждувондир.

(Юсуф Ҳамадоний)нинг шаъну шуҳратини эшитган замон,
Унинг хонақоҳи томон юришни жазм этди.

Унинг ишқини ғамидан ҳар замон уф тортарди,
У Зулайҳо Юсуфнинг ошиқи бўлгани каби ошиқ бўлди.

Келиб унинг хонақоҳига жойлашди,
У зиё каби кўзларда маъвога айланди.

У мурид бўлиб, (Юсуф Ҳамадонийдан) сабоқ олди.
Доимо Ҳақ зикри билан машғул бўлди.

Вақт ўтиши билан нур чиқадиган макон бўлди
Ботини сирлар хазинасига айланди.

Камолот соҳиби бўлган муршиди илтифоти ила,
Нисбат нури қалбига интиқол қилди.

У олий шаъндан хожалик зоҳир бўлди.
Натижада анга Хожаи Жаҳон номи тавсифланди.

Хуфия (зикр) барча сирлари зоҳир бўлди.
Хожа Хизр унинг олдида раҳбар сифатида ҳозир бўлди.

Хуфия зикрни мудом таълим берди,
Дили жони билан хожани (Аллоҳни) ёд этди.

Ғиждувон замини жаннатга ўхшаб кетди,
Бу шаҳри азимга бутун жаҳоннинг ирфон аҳли келди.



“Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” номли манбалар асосида Мансуржон Азим ўгли томонидан тайёрланган рисолада шундай маълумотлар келтирилган: Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг устозлари Хожа Юсуф Ҳамадоний вафот этгандан кейин Абдулхолиқ Ғиждувоний устоз қабр устидаги тупроқ тепалигига (уюми) қараб туриб, кўзига ёш ҳалқаланади: “Йигирма икки ёшимда шайх этақларини тутган эдим. Ўшанга ҳам ўн олти йил бўлибди” деб қалбдан нидо этади.

Хожа Юсуф Ҳамадоний вафотларидан кейин Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийлар иршод тахтига ўтирганларида Абдулхолиқ Ғиждувоний улар хизматида бўладилар. Улар билан бир сафда туриб, тариқат йўлида тер тўкадилар. Иршод тахтига ўтириш навбати Хожа Аҳмад Яссавийга текканида ҳам Абдулхолиқ Ғиждувоний сидқидилдан хизмат қилганлар. Хожа Аҳмад Яссавий Ясси шаҳрига кетар пайти Абдулхолиқ Ғиждувонийни ўз ўрнига халифа этиб тайинлаб, дўстининг иршод тахтига ўтиргандан кейинги илоҳий жамоли ҳолатини кўриб, кўнгли хотиржам ҳолатида она шаҳри Яссига равона бўлдилар. Иршод тахтига ўтиргандан кейин Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний: “Келганимда йигирма икки ёшлик йигит эдим, орадан йигирма беш-йигирма олти йил ўтибди” деган фикр хаёлидан ўтди. Бу далилларни таҳлил этсак, Юсуф Ҳамадоний вафот этган вақтда Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ўттиз саккиз ёшда бўлганлар. Иршод тахтига ўтирган вақтларида эса қирқ саккиз ёшда бўладилар. Демак, устозлари ўғитларига амал қилиб, Андоқий, Барқий ва Аҳмад Яссавийларга ўн йиллар

давомида содиқ хизмат қилиб, 48 ёшларида иршод тахтига ўтирганлар ҳамда ўзлари мустақил хожагон тариқати ва таълимотини яратганлар. Шу далиллар асосида Ўрта Осиёдаги илк мумтоз тариқатлардан бири бўлган Хожагон тариқати 1151 йилларда вужудга келган. Аҳмад Яссавий Туркистонда Яссавия тариқати ва таълимотини асослаган. Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиёдаги илк мумтоз тариқатлардан яна бири яссавияга ҳам 1151 йилларда асос солинган бўлиши мумкин. Бу икки дўст Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ўғитларини бажариб, халқни ғафлатдан уйғотиб, эзгулик ила Ҳақ йўлига бошлаганлар.

Хожагонлар тариқатида иршод бериш ҳуқуқига эга бўлгандан кейин Хожаи Жаҳон Ғиждувон Қалъасига кириб келганлар. Бу хушxabар бутун Қалъа халқи бўйлаб тарқалган. Бу улуг зот зиёратига келиб кетадиганлар сони кундан-кунга кўпайиб бораверган.

Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимовлар “Тухфат аз-зоирин” китобига асосланиб ёзадиларки, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Ҳазрати Бобои Лақлақаги (Ниёз Хоразмий) номли бир устозлари бўлган. Бу зоти шарифнинг табаррук қабрлари Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги “Лақлақа” қишлоғидадир.

Мухлис Намангоний Хожаи Жаҳонга бағишланган ғазалида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг сабоқ олишларига доир қуйидаги маълумотни ҳам ёзиб қолдирганлар:

Бердилар хати иршод етти муршиди Аъзам,
Ўттиз икки ёшинда бўлди ҳодийи олам.



Нўш этиб майи ваҳдат бўлди олиму аълам,
Шуълаи жамолиддин Ғиждувон эли хуррам.
Бошима ҳумо янглиғ шукур соябоним бор,
Ғавси муршиди комил Хожаи Жаҳоним бор.

Демак, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний оталари
Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий, Хожа Фазлиддин,
Юсуф Ҳамадоний, етти муршиди Аъзамдан сабоқ
олиб камолга етган эканлар.



МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний бой маънавий мерос қолдирганлар. У киши тасаввуфнинг мумтоз тариқатларидан дастлабкилари бўлган хожагон тариқатини асослаганлар, рисола, асарлар ва рубоийлар ёзганлар. Абдулхолиқ Ғиждувоний қолдирган энг қимматли маънавий мерос хожагон тасаввуфий таълимоти ва тариқатидир. Хожагон тасаввуфий таълимоти асоси бўлган саккиз тамойилнинг тўрттасини Хожаи Жаҳоннинг ўзлари кашф этиб, киритганлар. Абдулхолиқ Ғиждувонийдан қолган қимматли маънавий мерос у киши асослаган тўрт рашҳа – “Ёдқард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт” ва “Ёддошт”дир.

Халқимиз маънавий дунёсини бойитувчи хазина ҳисобланадиган Абдухолиқ Ғиждувоний томонидан ёзилган асарлар ҳозиргача сақланган. Хожаи Жаҳоннинг энг қимматбаҳо асарлари ўз етук шогирдлари ҳамда маънавий фарзандлари Авлиёи Кабирга деб ёзган ва барчамиз учун ҳақиқат йўлини кўрсатадиган “Васиятнома” (Насихатлар) китобидир. Шунингдек, бу асар Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Рисолаи одоби тариқат” (Тариқат одоби рисоласи), “Рисолаи восоё” (Насихатлар рисоласи), “Ибтидои Жомий ул-калом” номи билан ҳам маълум. Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз устозлари Юсуф Ҳамадонийга бағишлаб ёзган асарлари “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” (Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг мақомлари, эришган даражалари) ва “Рисолаи соҳибия” (Дўстлик ҳақида рисола)лари маълум. Шу билан бирга муаллифи номаълум бўлган “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” (Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний айтганлари-



дан) номли рисола ҳам мавжуд. Бу рисола савол-жавоб тарзида ёзилган бўлиб, тасаввуфдаги маълум бир масалалар баёнига бағишланган.

Абдулхолиқ Гиждувонийдан рубоийлар ҳам маънавий мерос бўлиб сақланган. Хожаи Жаҳоннинг рубоийлари жуда гўзал услубда ёзилган бўлиб, шеърият хазинасининг инжу-дурдоналаридир.

ХОЖАГОН ТАЪЛИМОТИ АСОСЧИСИ

Хожагон Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлган, Бухорои Шарифни дунёга танитган Етти Пирнинг биринчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асосланган Ўрта Осиёдаги илк мумтоз тасаввуфий тариқатлардан биридир. Манбалар таҳлили асосида хожагон тариқати ва таълимоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга Аҳмад Яссавий Туркистонга кетиб иршод ҳуқуқи берилганидан сўнг 1151 йилда ташкил этилган деб хулоса қилиш мумкин.

Хожагон – хожа сўзининг кўпликдаги кўриниши бўлиб хожалар деган маънони англатади. “Хожа” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, ҳурматли, жаноб, хўжайин, мулкдор деган маъноларни англатади. Тасаввуфда “Хожа” ибораси, тариқат шайхларига, улуғ пирларга берилган унвондир. Биринчи бўлиб бу унвон Юсуф Ҳамадонийга берилган. У кишининг шогирдлари Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам “Хожа” унвонига сазовор бўлганлар. Шу сабабли Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган таълимот ҳам Хожагон номи билан аталади. Хожагон таълимотидаги барча шайхлар ҳам “Хожа” унвони билан улуғланганлар.

Муҳаммад Порсо “Фасл ул-хитоб би-васл ил-аҳ-боб”, (“Дўстлар висолига етишишга оқ ва қорани ажратувчи китоб”) асарининг “Баъзи аз маноқиб ва шамоили Ҳазрати Хожагон” (“Ҳазрати Хожагонларнинг баъзи маноқиб ва шамоиллари борасида”) деган бобида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида маълумотлар берилган. Бу манбада ёзилишича, хожагонлар бандаликнинг йўли ва убудият тариқининг комил кишиларидир. Улар нуруллоҳ оламидан фойда олувчилардур. Ҳар ким бу йўлнинг фойдасини



камтарин ходимларидан бўла олса ва бу садоқатли зотларга эътиқодда бўлса, умиддурки, уларга нисбатан бўлган муҳаббат ва мутобаат, яъни эргашиш туфайли ўз мақсудига етгай. Бу азизларнинг йўллари Расул (с.а.в) ҳамда саҳобаларининг йўлларидир ва бидъат ҳам нуқсонлардан холидур.

Уларнинг равиши, йўли тўхтаб қолувчи ҳам эмас, бирор нарсага ўхшовчи ҳам эмас, балки ҳидоят нури, маърифат нурининг айнан ўзи, аҳли суннат ва жамоатнинг эътиқоди, ҳақиқат изловчилар ва орифлар йўлининг нуридур. Ҳавои нафс, шайтонга тобеъ бўлиш, фитна аҳли ва ботин кишилар тақлид қилувчиларнинг тақлидидан омон сақловчидир. Яъни, Хожаи Жаҳон хонадонининг халифалари ва машоихлари йўлидур.

Халил Иброҳим Сори ўғли Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликкин” (Толибларнинг дўсти ва соликларнинг яроғи) номли асарини чоп қилдирган олимдир. У мазкур асарнинг нашрига қўшимча тарзда катта ҳажмдаги илмий мақолани илова қилган. Унда келтирилишича, Абдулҳолиқ Ғиждувоний Хожагон силсиласининг ҳақиқий асосчиси ва бунёдкори бўлиб, нақшбандия тариқатидаги 11 усулнинг саккизтасини асослаб берган. Шунинг учун уни “Хожагонлар” табақасининг сардафтари ва бу азизлар “сар силсиласи” деб атайдилар. Муаллифнинг ёзишича, Баҳоуддин Нақшбанд бу саккизтага ўзининг учта иборасини қўшган: вуқуфи қалби, вуқуфи адади ва вуқуфи замони.

“Рашаҳот” асарида ёзиладиким, Хожа Аҳрор рашаҳаларида айтганлар: “Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ қ.с. сўзлари турурким:

Шайхлик эшигини боғлагил, ёрлик эшигин очгин,
Хилватнинг эшигини ёпгин, суҳбат эшигини очгин”.

Бу сўзлар Хожагон таълимотининг асл моҳиятини очиб беради. Яъни бу таълимотда “Хилват дар анжуман” рашҳаси асосида суҳбат ва ўзаро ёрдам асосий талаб ҳисобланади.

Комилхон Каттаев “Тасаввуф алломалари” китобида шундай таъкидлаган: “Ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг “Хожагон” таълимотидан келиб чиққан нақшбандия тариқатининг асоси ўн уч усулдан иборат бўлиб, Мусохонхожа Даҳбедийнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ” асари ва бошқа манбаларда бу таълимотнинг тафсирини кўриш мумкин”. Комилхон Каттаев ўн уч усул деб, нақшбандия таълимотидаги ўн бир рашҳани тилга олиб яна иккита услуб деб, “Лафзи нисба” ва “Лафзи бор”ни тилга олганлар. Бу икки калимани ҳазрати Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг ишоратлари бўйича, гоҳида нисбат дейдилар ва бу тоифа тариқат кайфиятини ифодалайди, ҳамда кишининг нафс мулки ва сифати ғолиблигининг қай даражадалигини аниқлайди, – деб муаллиф ёзган.

Гоҳида “Бор”, яъни юк сўз ҳосили дейдилар. Киши сулук, тақво ва илм аҳлидан бўлса, бу кишининг нисбати бошқа ҳамманинг нисбатидан юқори туради. Ҳар нарсаки, унинг акси бўлса, унда унинг хотирасининг “Бори” бўлади ва уни “Лафзи бор” дейдилар.

Лафз – араб тилидан олинган бўлиб, сўз, ифода маъноларини англатади. Халқимизда “Лафз” ибораси мавжуд. Бу инсоннинг айтган сўзи бўлиб, ҳақиқий инсон айтган сўзи устидан чиқиши демакдир. Мард



кишиларга нисбатдан халқимиз “Уни сўзи-сўз”, “Уни айтгани айтган”, “У айтган сўзининг устидан чиқади” деган тавсифларни учратамиз. Тасаввуфда Ҳақ йўлига кирган кишининг Аллоҳ олдидаги фақат унинг розилиги йўлида холис хизмат қилиш лафзи бўлиб, солиқ устозидан байъат олиб, ундан вазифа олади.

Лафзи нисба: Бизнинг фикримизча, “Нисба” сўзи арабча нисоб сўзидан олинган бўлиб, асл, асос, негиз, миқдор, ҳисса маъноларини англатади. Яъни тасаввуф йўлидаги ҳар бир инсоннинг фитрати, қобилияти, истеъдодига яраша унга насиба берилади ва шунга асосан Аллоҳ бу инсонга нур, файз, барака беради. Демак, инсон ўзига юклатилган ва шуни бажараман деб лафз қилган ишига муносиб амалда бўлса, Аллоҳ уни ўзига яқин қилиб, валийлик даражаларини беради. Халқ ўртасида уни азиз ва мухтарам қилади. Унинг ҳар сўзи, ҳар назари, ҳар қадами баракотли бўлиб, дуолари ижобат бўладиган даражага етади.

Лафзи бор: маъноси “Сўзнинг юки”дир. Яъни айтилган сўз омонат бўлиб, у омонатга хиёнат қилмаслиги лозим. Банда Ҳақ йўлидан бораётганида нафс, шайтон ва дунё жилвалари йўлига тўсиқ бўлиб, айтган сўзи қисқа муддатда хотиридан чиқиши мумкин. Натижада у ўз ҳолига мос бўлмаган бир ножўя ишни амалга ошириши мумкин бўлиб қолади. Бу ножўя ҳаракат унинг хотирасига юк бўлади. Устози раҳбарлигида тавба мақомига кириб бу юкдан қутилиши мумкин. Аммо узоқ муддат ғафлатда қолса, бу юк унинг ҳаётига катта хавф солиши мумкин. Яна солиқ ўзига берилган мақом ва даражадан ўзини юқори қўйиб, юкини оғирлаштириши ҳам мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир

инсон ўзига берилган насиба даражасига қараб иш тутиши ва шунга қараб ҳаёт кечириши керак ҳамда ундан ортиғига берилмаслиги лозим. Шунда унинг ҳаёт тарзи хотирасига ва жисми жонига ортиқча “юк” бўлмайди.


Демак, “Лафзи нисба” ва “Лафзи бор” тасаввуф йўлидаги ҳар бир инсоннинг ўзини англашига, ўз ўрнини билишига, ўз вазифаларини тушунишига ва шунга уйғун амал қилишга чорлар экан. Бу тушунчалар инсонни камтарин, хоксор, ниёзманд бўлишга чақиради ва уни кибру ҳаводан сақлайди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган камолот йўли – хожагон таълимотига Алишер Навоий юксак таъриф бериб шундай ёзган: “Уларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур. Барча форуқнинг мақбулидурлар. Ҳамиша сидку сафо йўлида ва (Муҳаммад) Мустафо (с.а.в.) шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдурлар”.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳаққа восил бўлиш, руҳни камол топтириш ва комил инсон даражасида юксалишнинг ўзига хос йўлини кашф этди. Хожагон тариқати Абдулхолиқ Ғиждувоний кўрсатган камолот йўлидир. Шунинг учун Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар: “Аларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур, барча форуқнинг мақбулидур”,¹ - деб таърифлаганлар.

Хожагонларнинг комил инсонни тарбиялашдаги йўли меъёрдаги йўлдир. Чунки у шариатга асосланади. Бу йўл доимо – шариат ва суннатга уйғун, бидъатдан йироқ бўлган.

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Т.А.Т. 17- том. -Т.: 2001.- Б.-253.



Хожагонлар йўли ҳушёрлик йўли бўлиб, “Ҳуш дар дам” рашҳасига асосланади. У мастлик, беҳудликни инкор этиб, фанодан бақо ҳолатигача инсонни камолотга етаклаш йўллари кўрсатади.

Хожагонлар тариқати шахс руҳий хусусиятларини инобатга олиб, камолот йўлини белгилаган сулукдир. Зероки, бу йўл бошида Абдулхолиқ Ғиждувонийда хуфия зикр бўлса, Маҳмуд Анжир Фағнавийдан Амир Кулол давригача хуфия ва жаҳрия зикри бирга мавжуд бўлган.

Хожагонлар мактаби солиқларни бағрикенглик руҳида тарбиялаган мактабдир. Улар бутун борлиқни Ҳақ зуҳуроти деб билганлар ва уни эъзозлаганлар. Бағрикенглик самоъга бўлган Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муносабатларида ҳам, яъни “Инкор ҳам этмаслик, қабул ҳам қилмаслик”да намоён бўлган. Шунингдек, бу тариқатга аёллар ҳам кирганлар ва валийлик даражасида юксалган аёлларга тариқатда тенг ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Масалан: Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз даврининг валийси – Ойшани ўз ўринларидан туриб кутиб олдилар ва унга иззат-икром кўрсатдилар.²

Хожагонлар нафс тарбиясига махсус эътибор бериб, нафс фано сарҳадига етиши тамкин даражасига олиб келишини кўрсатганлар.

Хожагон тариқатида бандаликка энг олий даража сифатида қаралган. Банда ихтиёри тўла илоҳий ихтиёр билан уйғун бўлган. Бунда Ҳақ ризолигига эришиш асосий мақсад ҳисобланган. “Бозгашт” рашҳаси асосида солиқ доим: “Худоё, мени мақсудим сенсан ва сенинг ризолигингни тилайман”, деб шунга уйғун ҳаракат қилган.

² *Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. Т.: “Наврўз”, 1994. – 12 б.*

Хожагонлар инсонга барча жисмоний, ақлий нафсоний, руҳий қувватларни бошқара олиш ҳамда ўз-ўзини англаш ва ўзининг микроолами – олами асғарида олами акбарни – макрооламни, яъни илоҳийликни жойлаштиришнинг энг афзал йўлларини топганлар. Улар қалбда илоҳий файзни тўплаш, инсондаги мавжуд заҳираларни очиш ва уларни борликни гўзаллаштириш каби эзгу ишларга сафарбар этиш учун “Назар бар қадам” рашҳаси асосида кўз ва оёқ қувватини жисмонан ва маънан тўғри йўналтира олганлар.

Хожагонлар тариқатида бошқа тариқатлардан фарқли жисмоний сайру сафар қилиш маънан, руҳан сафарга айлантирилган. “Сафар дар ватан” рашҳаси орқали инсон ўзида бутун макрооламни ҳис этиб, ўзидаги тубан, ёмон ахлоқларни йўқотиб, гўзал илоҳий ахлоқ соҳибига айланади.

Тариқатлардаги инсон камолоти учун зарур бўлган узлат, чилла, танҳо хилватни хожагонлар анжуманда ўтказиш йўлини кашф этиб, “Хилват дар анжуман” рашҳаси асосида зоҳиран халқ ва ботинан Ҳақ билан бўлиб, хос тариқат аҳли билан суҳбат йўли ила руҳларини озиклантириб, камол топиш мумкинлигини кўрсатдилар. Натижада хожагон йўли дунёвий ва диний бахт-саодат йўли, дунё ва охират учун ҳам зарурий йўлга айланди.

Хожагон тариқати инсондаги хотирани тасниф этиб, уни шайтоний, нафсоний даражадан поклаб, малакий ва охирида раҳмоний³ даражасига юксалиши йўлларини кашф этиб, “ёдқард”, “бозгашт”, “нигоҳдошт”, “ёддошт” рашҳалари натижасида бунга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

³ Шайх Аҳмад Бухорий. Маслак ас-солиқин. Тошбосма. Бухоро вилоят кутубхонаси. – Б.13.



Хожагон тариқати вақт қадриятига махсус эътибор бериш орқали солиқларга вақтни ўз тасарруфига олиш, “ибн ул-вақт” – вақт ўғлидан “абу- ул вақт” – вақт отаси даражасига юксалиш йўлини кўрсатди. “Хуш дар дам” рашҳаси орқали ҳар он, нафасни асраш каби руҳий машқлар билан вақт устидан ғолиб бўлиш йўллари кашф этдилар.

Хожагон тариқати инсонни бутун мавжудотга нур сочувчи, зиё таратувчи манзилу маконга айлантира олди. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 10 нур таълимоти шарофати билан инсон қалбида 10 та нурни муҷассам этиш мумкинлигини кўрсатди. Комил инсон қалбида иймон, ислом, тавҳид, маърифат, ҳидоят, ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт, ёддошт, шайх нурлари⁴ тажаллий этиб, бутун мавжудотга илоҳий ишқ ила мушоҳада, назар, муносабат қила оладиган бўлади.

Хожагон тариқати руҳий камолотга эришишнинг мақомлари: тавба, иродат, зикр, зухд, сабр, ризо, шукр, таваккул; ҳоллари: муроқаба, муҳосаба, муҳаббат, сидқ, таслим, тавфиз, ихлос, мушоҳада, муоина⁵ орқали комил инсон даражасига етиш мумкин деб, шу асосда толиби ҳақларни ҳидоят йўлига бошлаганлар.

Хожагонлар тариқати Ҳақ йўлларида бири ҳисобланади. Бу йўл меъёридан ўтиб кетадиган, инсон руҳи, ақли, жисми ва нафсониятига зулм бўлган, ўзгаларга кашфу кароматини кўз-кўз қилишни одат қилган ботил йўллардан тубдан фарқ қилади.

Хожагон таълимоти инсонпарварликка асосланган таълимотдир. Шунинг учун Ромитаний – Ҳазрат

⁴ Шайх Аҳмад Бухорий. Маслак ас-солиқин. Тошбосма. Бухоро вилоят кутубхонаси. – Б.13.

⁵ Ўша жойда.

Азизон айтганки, “Ер юзида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний фарзандларидан бири бўлса эрди Мансур (Ҳаллож) ҳаргиз дор остига бормагай эрди”.⁶ Зероки, булар бу ҳодиса моҳиятини англаб, тўғри йўл кўрсата олардилар.

Хожагонлар тариқатини одоб йўли дейиш мумкин. Чунки бу йўлдаги мурид одобининг асосий белгилари сидқ, ихлос, қалбни поклаш, бағрикенг бўлиш, хизмат, сабрдир. Шайхга боғланиш, “интисоб”, “байъат” мавжуд бўлса-да, лекин ҳалол меҳнат ва ўз касб-ҳунари билан “Даст ба қору, дил ба Ёр”га амал қилиш, ўзгалар оғирини енгил қилиш тариқат талаби бўлиб ҳисобланган.⁷

Демак, Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Саид Амир Кулол муршидлик қилган ва Баҳоуддин Нақшбанд асослаган нақшбандия тариқатининг асосий тамал тоши бўлган хожагон тариқати кашф этган комил инсонни тарбиялаш йўли ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда. Бу таълимот баркамол инсон тарбияси жараёни учун фойдали ғоя ва амаллари билан қадрият ҳисобланади.

⁶ Алишер Навоий. *Насойим ул муҳаббат* – Т.А.Т. – 17-том. Т.: 2001. – Б. 254.

⁷ Фахриддин Али Сафий. *Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари)*Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 28-бет.



ХОЖАИ ЖАҲОННИНГ ТҮРТ ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАРИ


Абдулхолиқ Гиждувоний асослаган хожагон тариқатига устози Юсуф Ҳамадоний ўғит берган “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман”ни асосий тамойил қилиб олганлар. Юсуф Ҳамадоний садоқатли шогирдлари Абдулхолиқ Гиждувонийга: “Эй Абдулхолиқ, хавотирни билиш иши сенга ҳавола қилинди” деганлари Хожаи Жаҳоннинг “Рисолаи соҳибия” асарида келтирилган. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устозларига садоқат ила хотира масалаларини ўрганиб, янги тўрт тамойил: “Ёдкард” – хотирага келтириш, “Бозгашт” – қайтиш, хотирани поклаш, “Нигоҳдошт” – нигоҳ, яъни хотира, зеҳни сақлаш ва “Ёддошт” – хотирани узок муддат пок ҳолда сақлашни кашф этдилар ва уларни хожагон таълимотининг асосига қўйдилар. Хожагон таълимоти асосида саккиз рашҳа – ҳаётбахш ўғитлар бор.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устозлари Юсуф Ҳамадоний ўғитларини бажариш мақсадида хотира масаласига махсус эътибор бериб, уни кузатиб тадқиқ эта бошладилар ва шуни аниқладиларки, инсон маънавий, руҳий тараққиёти унинг хотирида асосланади, яъни хотирада идрок этилган таассуротларни сақлаб қолиш ва онгда, ақлда уларни қайтадан тиклашга асосланади. Бундай ҳолатни мия моддаларни бир неча маротаба такроран янгиланиши билан мувофиқлантириши мумкин. Файласуф олим М.Н.Болтаев “Хўжа Абдулхолиқ Гиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх” номли рисолаларида одамнинг жисму жасадининг ҳужайраларида ҳамин

ша модда алмашуви содир бўлиб туради: эскирган жихат, моддалар чиқарилиб, узоқлаштирилиб, янгилари вужудга келади, унинг оқибатида тахминан етти йил давомида киши жисми, жасади тўла янгиланади, деган фикрни асослаб берганлар. М.Н.Болтаевнинг фикрларига кўра, янгиланиш тез суръатлар билан қандай амалга ошса, шу билан бирга инсон танасидаги фаолиятни бошқарувчи марказ бўлган мияда ҳам янгиланиш вужудга келиб, мия бир неча мартаба янгиланади. Шунинг учун мия киши маънавий, руҳий фаолиятининг аслий асоси бўла олмайди. Агар мия инсон маънавий – руҳий фаолиятининг асоси бўлса эди, мия моддаларининг янгиланиши хотирадаги илгарилар идрок этилган маънавиятнинг йўқолишига олиб келар эди. Ҳақиқатда эса, бундай ҳолат юзага келмайди. Маълумки, кўпинча болалик чоғида ва ҳатто бир марта қабул этилган таассурот қарилик чоғигача хотирада қолади. Шунинг учун Абдулхолиқ Гиждувоний хотиранинг инсон руҳий камолотидаги аҳамиятини англаб, Хожагон тариқатига тўртта янги қудсий калом киритди. Манбаларда бу калималарни рашҳа, яъни ҳаётбахш ўғитлар деб ёзадилар.

Абдулхолиқ Гиждувоний кашф этган тўрт рашҳа – “Ёдкард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт” ва “Ёддошт” дир.

“Ёдкард” – “ёд” ва “кард” форс-тожик сўзларидан олингандир. “Ёд” деган сўз хотирани англатади, “Кард” – қилди, амалга оширди деганидир. Ёдкард – хотирага келтирди, эслади маъносини англатади. Хожаи Жаҳон “Ёдкард”ни ҳақиқат йўлида бўлган инсон тили ва қалби билан Аллоҳни зикр этиши ва уни хотирага келтириши амалиёти сифатида қўллаганлар ва хожагон тариқати тамойили сифатида киритганлар.



Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарида “Ёдкард” ҳақида қуйидаги фикрларни ёзган: “Ёдкард – зикри лисони ва ё зикри қалбийдин иборатдур”. Демак, ёдкард тил билан, ёки қалбда Аллоҳни эслаб, унинг гўзал исмлари ва сифатлари билан хотирага келтириш экан. Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Қошғарий айтганларки, ёдкард инкор ва исбот зикрининг, яъни “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини қалбни ҳозир тутиб, тилни танглайга ёпиштириб, тишларни бир-бирига банд этиб, оғизни ёпиб, нафасни сақлаб кўнгил, ёки тил билан Аллоҳ билан машғул бўлиш лозимлигидир. Нафйи – “Ла илаҳа” деганда тамоми мавжудодларни фоний эканлигини англаш ва “Илаллоҳ” деганда ягона Аллоҳ борлигини хотирада тасдиқлаш ва исбот этиш. “Ла илаҳа илаллоҳ” калимасининг такрорланиши тавҳиднинг сурати таъсирини дилда жо этади.

Фахруддин Али Сафий “Рашаҳот” асарида “Ёдкард” рашҳасининг таърифини берган. У киши ёздиларки, ёдкард тил ёки қалб зикри бўлиб, нафасни сақлашга сабр қилиш лозим, бир нафасда уч мартаба айтсин, токим зикрнинг ҳаловатининг асари кўнгилга етсин. “Рашаҳот” асарида таъкидланишича, Убайдуллоҳ Аҳрор – Хожа Аҳрор Валий “Калимоти қудсия”ларининг баъзисида ёзибдирларким, зикрдан мақсад улдирким, кўнгил ҳамиша муҳаббат ва таъзим ҳолати билан Ҳақ таолодан огоҳ бўлгай. Зикрнинг маъзи ва руҳи шудирким, кўнгил Ҳақдан огоҳ бўлсин ва жамоа зикрида суҳбатдан бу огоҳлик ҳосил бўлмаса агар мақсадга етмас”.

Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг “Ёдкард” таълимоти ҳақида Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия” асарида шундай ёзганлар: “Ҳақ Субҳаноҳунинг зикри ёд-

кард – хотирага келтиришдир. Бу йўлнинг буюк асосий шартларидан бўлиб, (Аллоҳдан ўзга нарса билан боғланган) хотираларни йўқотишдир”. Демак, инсон ўз хотирасини дунё ташвишлари, ўткинчи ҳою ҳаваслар ва нафс истакларидан поклаб, ўша жараёнда фақат Аллоҳ ва унинг ризолиги билан машғул бўлиши керак. Чунки, дунё, нафс ва шайтоний истаклар Аллоҳ йўлига ҳижоб, тўсиқ ва пардадир. Муҳаммад Порсо яна таъкид этадиларки, “тил зикрининг мақсади тўла таважжух, яъни Аллоҳга юзланишдир. Бутун руҳоний ва жисмоний қувватлар ёт хотирани йўқотиш ва тўла Аллоҳга юзланиш учун керакдир”. “Тил зикрнинг давомийлигидан зикр қалбга етади ва тилдан дилга кўчади, булар фанога олиб келади”. Баҳоуддин Нақшбанд: “Зикрнинг мазмуни ёдкардир, яъни Ҳақ Субҳонаҳу тавфиқини ёдга келтиришдир”, – деб унга янгича таъриф берганлар.

Бухоролик нақшбандшунос олимлар Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимов “Ҳожаи Жаҳоним бор” рисоаларида таъкид этадиларки, “Ёдкард” иккига – тил ва дил зикрига бўлинади. “Ҳуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман” рашҳалари ёдкардга ўтиш учун тайёргарлик босқичи ҳисобланади. “Ёдкард” Аллоҳ зикрини қалбда нақшлашда асосий омилдир. Дарҳақиқат, хотирани бошқариш анча мураккаб жараёндир. Инсон ўзининг нафас олиш жараёни, кўзи, оёғи, ботини, қўли ва вужудини бошқаришда малака ҳосил қилгандан сўнг хотирасидан ёмон ва ёт нарсаларни қува олади.

Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан яратилган иккинчи рашҳа “Бозгашт”дир. Бозгашт – форс-тожикча “боз” – яна ва “гашт” – қайтди сўзларидан



олинган бўлиб, зикр жараёнини холис ва пок бўлишини таъминлайди. Тил ёки дил зикри билан машғул бўлган киши, тўхташи ва аввалги ҳолатига қайтиши, шу орада қилинган зикрини таҳлил этиши ҳамда қуйидаги иборани: “Худоё мақсуди ман туи ва ризогии ту мебошад” - “Илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби”, яъни “Парвардигоро, Сен менинг мақсадимсан ва сенинг ризолигинг менинг матлубимдир” ни такрорлаши лозим. Бу калимани такрорлашнинг аҳамияти шундаки, зикр жараёнини ғафлат билан ўтишдан сақлайди.

“Рашаҳот” асарида ёзиладики, “Бозгашт улдурким, ҳар мартабаеким, зокир тили ва қўнгли билан калимаи тойибани айтса унинг изидан шул тили билан айтсун: “Худовандо менинг мақсадим Сен ва Сенинг ризолигингдир”, шунинг учунким бу калимаи бозгашт нафий этгувчидир, яъни хотирадан келадиган яхши ва ёмонни йўқотувчидир, токи зикр холис бўлсин ва унинг сири мосиводан фориғ айлансин”. Асарда таъкидланадики, зикр айтувчи калимаи бозгаштни айтаётганда ҳали ўзида сидқ мавжудлигини топа олмаса ҳам, бу калимани тарк этмасин шунда аста-секинлик билан сидқнинг асари ҳосил бўлади.

Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарида “Бозгашт” калимасини изоҳлаб шундай ёзганларки, бозгашт калимаси соликнинг хотирига хайру шар, яъни яхшилик ва ёмонлик кирса ҳаммасини йўқ этгувчидир, то унинг зикри холис айланиб, мосиволлоҳдин фориғ бўлгай. Демак, “Бозгашт” инсон томонидан хотирани назорат қилиш жараёнидир ва бу амалиёт натижасида хотирада фақат Аллоҳ ва унинг ризолиги келади, бу эса қалбда ниятнинг покланишига ёрдам беради.

Абдулхолиқ Гиждувоний томонидан Хожагон таълимотига киритилган учинчи рашҳа “Нигоҳдошт”-дир. “Нигоҳдошт” бу ҳам иккита форс-тожик сўзидан олинган бўлиб, “нигоҳ” – қараш, назар ва “дошт” – сақлаш сўзларидан олинган бўлиб, нигоҳни, яъни диққат, эътибор, зеҳни асосий нарсага, мақсадга қаратилган ҳолатда сақлаш маъносини англатади. Хаёл кучи хотирани турли томонга олиб бормоқчи бўлади, нигоҳдошт хаёл қувватидан хотирани сақлайди.

Тоҳир Эшон калимаи “Нигоҳдошт”нинг маъноси хотирнинг муроқабаси ва дилнинг ҳузуридир деб изоҳлаганлар. Чунончи, бир дамда калимаи тайибани бир неча мартаба айтар ва хотирининг огоҳлигидан ташқари чиқишдан муҳофаза этгай.

“Рашаҳот” асарида бу рашҳага қуйидагича таъриф берилган: “Нигоҳдошт” – ул иборатдур муроқибани хавотирдин, андоқким, бир дамда неча мартаба калимаи тайибани айтурким, хавотири ғайбийга ташқари кетмас”. Асар муаллифи “Нигоҳдошт”ни хотира муроқабаси деб айтади ва инсон хотираси ёрдамида калимаи тайибани неча мартаба айтаётганини назорат қилиб туради, бошқа ғайр хотирларни киришга қўймай хотирани илоҳий, раҳмоний, малакий, пок ҳолатида сақлайди, деб тавсиф этади.

Мавлоно Саъдуддин Қошғарий “Нигоҳдошт”ни шарҳлаб айтганларки, бир соат, икки соат ва икки соатдан зиёда, у миқдоргаким муяссар бўлур, хотирани сақласун, шундагина Аллоҳдан ўзга нарсалар унинг хотирасига кира олмайди. “Нигоҳдошт”да Ҳақ йўлидан бораётган киши хотирини хаёлига келадиган бошқа нарсалардан муҳофаза этар экан.



“Рисолаи қудсия” асарида Муҳаммад Порсо шундай ёзганлар: “Тил ва дил зикридан мақсад нигоҳдошт – бутун вужудни Аллоҳга юзлантириш, қаратиш ва шу ҳолатни сақлашдир. Бу хотирани муроқабаси, яъни илоҳий ҳақиқатга яқинлашувидир”. Яъқуби Чархий ўзининг “Рисолаи қудсия” асарида “Нигоҳдошт” рашҳаси ҳақида ўз мушоҳадаларини ёзиб, Баҳоуддин Нақшбанддан эшитган қуйидаги фикрни келтиради: “Нигоҳдошт” билан шуғулланиш нафаснинг кириши ва чиқишидан воқиф бўлишдан иборат бўлиб, бунда хаёлнинг Аллоҳдан доимо огоҳда бўлишига нуқсон йўл топмайди. Бу билан шуғулланиш бора-бора ҳеч бир қийинчиликсиз ҳосил бўлади”. Чархий “Нигоҳдошт”ни “Мушоҳада” деб ҳам юритилишини таъкидлайди ва шундай ёзади: “Баъзи тоифа доимо огоҳликдан иборат бўлган “Нигоҳдошт”ни мушоҳада деб атайдилар. Бу мақомга етган зоҳирий машғулотлар ботиний машғулотга монелик қилолмайдиган даражага етади”. Демак, “Нигоҳдошт” ҳар бир нафас, ҳар бир дамни огоҳлик билан ўтаётганлигини мушоҳада этиш, муҳофаза этиш ва шу ҳолатни сақлаш экан.

Хожаи Жаҳон тасаввуф таълимотига киритган тўртинчи рашҳа “Ёддошт”дир. “Ёддошт” – иккита форс-тожик сўзларидан ташкил топган. “Ёд” – хотира, зеҳн, “дошт” – сақлашдир. “Рашаҳот” асарида бу рашҳага қуйидаги таъриф берилган: “Ёддоштким, мақсуд ондин ҳама ул турур Ҳақ Субҳаноллоҳу талоға ба тариқаи завқ доимо огоҳ бўлмоқдин иборатдур ва баъзи бу ибора бирла айтибдурларким, хузури беғайбат турур. Ва аҳли таҳқиқнинг наздида

мушоҳидаеки, кўнгулга шухуди Ҳақ Субҳона хуб-бизотининг тавассули, яъни воситаси, сабаби била истило топа, ҳусули ёддоштдин киноя турур”.

Тоҳир Эшон ўз асарида таъкидлайдики, “Ёддошт”нинг маъниси улдурким, солик завқу шавқ била мунтазам Ҳақ таолодин огоҳ бўлиб, фаромуш қилмағай. Ва баъзилар дебдурларким, онинг маъниси ҳузури дилдур, ғайбат ва ғафлат бўлмағай. Аҳли таҳқиқ уламолари дебдурларким, “Ёддошт” калимасининг маъноси улдурким, муҳаббати зотийнинг воситаси бирла дилга Ҳақ таолонинг ҳузурининг ғалабасидур.

Муҳаммад Порсо “Ёддошт”ни қуйидагича тавсифлаганлар: “Ёддошт” – хотирани сақлашдир, мушоҳада ва фоний бўлишдир”.

Ҳожа Аҳрор Ҳожаи Жаҳон асослаган тўрт рашҳани қуйидагича қисқа шарҳлаганлар: ёдқард зикрида қаттиқ ҳаракат қилиш, бозгашт – Ҳақ Субҳаноллоху таолога юзланиб, ҳар гал калимаи тойибани айтганда калимаи бозгаштни такрорлашдир, нигоҳдошт – тил билан эмас, балки дил билан зикр этишдир, ёддошт – нигоҳдошда мустаҳкам туришдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳожаи Жаҳон хожагон таълимотига киритган янги тўрт ҳаётбахш тамойиллар “Ёдқард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт” ва “Ёддошт” хотирани поклаш, унинг софлигини ҳимоя этиш, инсонни ғафлатдан уйғотиб, огоҳлик мақомига етказишга қаратилган. Абдулҳолиқ Гиждувоний яратган бу қудсий, муқаддас каломлар инсониятни хотиржамлик мақомига етказди. Хотиржамлик инсон хотирасининг Аллоҳ билан жам бўлиши, яъни қўшилишидир. Хотиржамлик ҳолати ҳақиқий бан-



дага хос сифатдир. Банда дегани ҳамма жиҳатдан ҳар ишда ва ҳамма ҳолатда Аллоҳ билан боғланган саодатманд, пешқадам инсондир. Сўфийлар мудом таъкидлаганлар:

Зиндаги омад барои бандаги,
Зиндаги бевандаги шармандаги.

Мазмуни:

Тириклик, ҳаёт, умр банда бўлиш учун берилган,
Бандаликсиз, яъни Аллоҳ билан боғланмай яшаш
шармандалиқдир.

Сўфийлар орасида Саъдий Шерозийнинг қуйида-
ги байтлари жуда ҳам машҳурдир:

Гуле, ки бўй надорад ба вай чаман ҳайф аст,
Касе, ки фаҳм надорад ба вай сухан ҳайф аст.
Диле, ки дард надорад ба вай бадан ҳайф аст,
Саре, ки сажда надорад ба вай кафан ҳайф аст.

Мазмуни:

Қайси гулининг ифори бўлмаса унга чаман ҳайфдир,
Кимни фаҳми бўлмаса унга сухан ҳайфдир.
Қайси қалбда дард бўлмаса унга бадан ҳайфдир,
Саждаси бўлмаган бош учун кафан ҳайфдир.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳаётбахш рашҳалари инсонни шудай камолот даражасига юксалтирадики, ундан мудом муаттар ифор таралади ва ҳаёт чаманининг энг гўзал гулига айланади. Бундай инсон фаҳму фаросатли бўлиб, юрагида илоҳий ишқнинг дарди бор. У доимо ибодатда бўлган ҳақиқий инсондир.

Н.Х.Авлиёқулов “Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизацияси ривожланиши баёнида” асариди Абдулхолиқ Гиждувоний хожагон таълимотиға киритган тўрт рашҳани таҳлил этиб, ушбу босқичлар йиғиндиси илм олишнинг услубини ташкил этади, деб билдирганлар. “Ёдкард”ни илмни эгаллашнинг дастлабки босқичи, “Бозгашт”ни илмни қайта-қайта такрорлаш, “Нигоҳдошт”ни диққатни тўлиқ мақсад сари марказлаштириш малакасиға эға бўлиш ва “Ёддошт”ни бунёдкорлик ва шукроналик, фикрларнинг ҳукмронлиғиға эришиш, яъни илмни теран тушуниш билан қиёслаб, улардан комил инсонни тарбиялаш жараёнида ҳозирги кунда ҳам фойдаланиш мумкинлиғини таъкидлайдилар.

Убайдулло Қосимов “Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Хожагон тариқати рашҳаларининг психологик жиҳатлари” рисолаларида Хожаи Жаҳоннинг таълимотға киритган тўрт рашҳасини психологик нуқтаи назардан таҳлил этганлар. Бу асарда ёзилишича, Хожа Абдулхолиқ комиллик даражасиға кўтарилиш ва унга етишиш учун, инсон ўзини-ўзи бошқара билиши, ўз ҳаётий ҳатти-ҳаракатларини ўзи тартибга солишни ўрганиши учун тариқатнинг “Ёдкард” психологик жараён боқичини ўташи зарур эканлиғини кўрсатади. Муаллифнинг фикрича, тариқатдаги “Ёдкард” жараёни икки йўналишни, бир томондан ботиний, яъни Аллоҳни англаб, уни хотирға киритиш ва уни хотирға, қалбға муҳрлашни, иккинчи томондан инсоннинг моддий ҳаётий ҳаракатлари Аллоҳ ёди билан илоҳий Аллоҳ талаб этган ҳалол, пок инсоний ҳаракатлар, муносабатлар, муомалаға кириши тарзини назарда тутди.



Демак, “Ёдкард” психологик амалиётининг натижасида киши инсоний ҳалол, покиза муносабатлар ва ҳаракатларни чуқур англаган ҳолда уларни хотирга киритиш ва Аллоҳни чуқур англаган ҳолда унга бўлган меҳр, ҳурмат ва унинг ёди билан барча покиза, ҳалол муносабатларни онглилик, онгостлилик, онгсизлик ҳолатларида ўзидан-ўзи намоён бўлишига эриша олади. Шунинг учун ҳам “Ёдкард” хотирага Аллоҳга бўлган чексиз меҳр, ёдини муҳрлаш, қалбга сингдириш орқали кучли психологик қувват ҳосил қилиш билан барча инсоний муносабат ва ҳаракатларни ўзидан-ўзи тартибга солишга ва инсоний хулқни ҳар хил муҳитда ўзидан-ўзи бошқарилишига эришишдан иборат чуқур психологик мураккаб жараён дур.

У.Қосимов ёзадиларки, “Ёдкард”да авваламбор, Аллоҳни ягоналиги, буюклиги, ҳамма нарсага қодирлиги, юксак поклиги, олий муҳаббат манбаллиги, барча нарсдан ҳар лаҳзада воқифлиги ва бошқа фазлу карамларини англаш, тан бериш ва уларни хотирга киритиш учун уни улуғловчи калималарни зикр этиш орқали аввал тил билан кейин эса онгостлилик ва онгсизлик даражасида қалб зикрига эришиш талаб қилинади. Бу рашҳа натижасида инсон учун энг муҳим аҳамиятли бўлган ички психологик мувозанат ҳосил бўлади.

Муаллиф тасаввуфда одамларни икки турга – нурий ва норий одамларга бўлинишини таъкидлаб, “Бозгашт” ва “Нигоҳдошт” қоидалари туб моҳияти билан норий одамларни тўғри йўлга солиш ва нурий одамларни Ҳақ таолога яқинлаштириш усулидан бири бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Хожгон таълимотидаги рашҳалар психологик-руҳий амал-

ларини қатъият билан онгли равишда иродавий зўр беришлар орқали бажариш билан киши психологик мувозанат – руҳиятидаги эркинликка эришади. Бу руҳий ички мувозанат, эркинлик эса ташқи дунёвий амалларда, муносабатларда барча ахлоқий ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Хожаи Жаҳоннинг тарихда абадий қоладиган хизматлари шундаки, тўрт янги ҳаётбахш рашҳани яратиб, уларни хожагон таълимотининг тамойили сифатида киритдилар. Бу тамойиллар асосида яшаш инсониятга хотиржам бўлиш сирларини ўргатади ва уларни ҳақиқий банд бўлиб икки дунё саодатига эришиш йўлларини очиб беради.



ҲАЁТБАХШ ЎГИТЛАРИ

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ҳаётбахш ўғитлари “Васиятнома” асарларида тўпланган. Абдулхолиқ Ғиждувоний “Васиятнома” асарларини маънавий фарзандлари ва етук шогирди Авлиёи Кабирга атаб ёзган. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Одоби тариқат” – “Тариқат одоби”, “Рисолаи васоё” – “Насихатлар рисоласи” ҳам шу асарнинг кўринишларидир. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфаҳонийнинг “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарида бу ўғитларга шарҳлар ёзилган. Ибн Рўзбеҳон 1509 йил Ғиждувонга келиб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қабрини зиёрат қилган. Зиёрат чоғида унга Хожаи Жаҳоннинг рисолаларини бериб, унга шарҳ ёзишни илтимос қилганлар. Ибн Рўзбеҳон рисола ни уч кун ичида шарҳлаб, янги асар ёзган ва уни “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” деб номлаган. Маноқиб уч бобдан иборат бўлиб, унинг учинчи боби “Васиятлар шарҳи” деб аталган.

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарини 2003 йилда Маҳмуд Ҳасаний таржима этиб, нашр қилганлар. Мақомот, тазкира ва асосан шу манба асосида Хожаи Жаҳоннинг ҳаётбахш ўғитларини таҳлил этишни ният қилдик.

Комилхон Каттаев “Тасаввуф алломалари” китобида Мусохонхожа Даҳбедийнинг “Зубдат ул-ҳақоийк” китобларида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Васиятнома” асарларини тўла келтирганлигини қайд этганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний инсон камолоти учун муҳим шарт нафс тарбияси деганлар ва шундай

Ўғит берганлар: “Банданинг юзи Ҳақ йўлида бўлсин ва “Китобуллоҳ”, яъни Аллоҳнинг каломи бўлган Қуръони Каримни ўнг қўлида тутсин ва Расул (с.а.в.), яъни Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) суннатини сўл қўлида тутсин ва бу икки ёруғлик, яъни икки нур орасида юрса ўз нафсини бошқара олади”. Хожаи Жаҳон бу ўғитни бир дарвешнинг саволига жавоб бериш асносида айтганлар. У дарвеш сўрадики, “Шайтонга Ҳақ йўлининг солиқларига даст бўлмай?” Хожа буюрдиларки, “Ҳар соликки нафс фаноси сарҳадиға етмаган бўлса! Чунки анга ғазаб даст бергай. Шайтон анга даст топқай. Чун нафс фаноси ҳосил қилмиш бўлса, анга ғазаб бўлмас, анда ғайрат бўлур ва шайтон ғайратдин қочар. Бу сифат шундай одамга мусалламдирки, ул киши юқоридаги ўғитга амал қилса”. Бундан маълум бўладики, инсон нафси фано чегарасига етган бўлса, яъни у ўз аммора нафсини устидан ҳоким бўлиб, ўз нафсининг ёмонликларини англаган бўлса, тақдирдаги яхши ва ёмонликларга рози бўлади ва ғазаб қилмайди. Бу ишда инсонга ёрдам берадиган Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдир. Ҳар бир инсон бу икки нурни қалбига жойлаб унга амал қилса, ўз нафсини бошқара олади.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний инсон икки оламда бахтли яшаши учун шундай ўғит берганлар: “Тақвони ўзингга шиор қил!”, “Тақво” парҳезгарликдир. Тақвонинг моҳияти номуносиб, ёмон нарса ва амаллардан қўрқиб қочишдир. Тақводор шундай инсонки, ўзини ёқимсиз нарсалардан ва гуноҳ ишлардан асрайди. “Шиор” араб тилидан олинган сўз бўлиб, баданга ёпишиб турадиган кийимга айтилади. Бу ўғит билан Хожаи Жаҳон тақвони ўзингга либос қил,



токи у борлигинга ёпишиб турсин, токи ундан ҳеч қачон жудо бўлма, токи риё сенинг тақвонга йўл топмасин, демоқдалар.

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон “Маноқибни хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарида бу ўғитни шарҳлаб, қўйидаги рубоийни келтиради:

Эй толиби Ҳақ, ба дўст пардоз мудом,
Дар роҳи сафо алам барафроз мудом.
Хоҳи, ки аз асҳоби шуурат хонанд,
Тақво ҳадди шиори худ соз мудом.

Мазмуни:

Эй Ҳақни қидирувчи, доимо Ҳаққа етишишни ўйла.
Софлик йўлида доимо байроқни юқори кўтар.
Сени шуур аҳлидан санашларини хоҳласанг,
Тақвони сен ўз шиоринга айлантир.

Абдулхолиқ Ғиждувоний: “Ибодат вазифаларига мулозамат кўрсат!”, деб насиҳат берганлар. Ибодат банданинг Ҳақ таоло ҳузурида қалби ва бутун вужуд амалларини бажариши билан ўзини ниёзмандлик ҳолатида тутишидир.

Хожаи Жаҳон: “Ўз аҳволингга мууроқабат қилувчи бўл!”, деб васият қилганлар. “Мууроқабат” дегани кузатиш маъносини беради. Ўз аҳволингга мууроқабат қилувчи бўл деб, Хожа бандага ўз ҳолати ва нафсини мулоҳаза қилиб, ҳисоб-китоб қилишни талаб этганлар. Бу ўғит билан, “Маноқиб” муаллифнинг фикрича, хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний учта фикр-ни олға сурганлар:

Гуноҳ ва ёмон хулқларнинг барчасидан қутулиш бўлиб, у товбани ўз ичига олади. Товба тариқатнинг асл ўзагидир.

Иродат, риёзат ва амалларда доимий барқарорлик.

Муҳосаба ва муроқабанинг мартабаларига ишорадир.

Ибн Рўзбеҳон бу ўғитни шарҳлаб, қуйидаги рубоийни келтирган:

Онҳо, ки ба Ҳақ мусоҳабат ёфтанд,
Аз хеш бад ў муносабат ёфтанд.
Мебош муроқиб, ки бузургони жаҳон,
Ин мартаба аз муроқабат ёфтанд.

Мазмуни:

Кимки Ҳақ билан суҳбатдошлик бахтини топгандир,

Ўзи билан Ҳақ ўртасида муносабат (сирини) топгандир.

Ўз ҳолингни кузатувчи бўлгинки, жаҳон улуғлари

Бу мартабани муроқаба, яъни ўз-ўзини кузатишдан топганлар.

Ушбу ўғит ҳозирги кунда ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу ўғит ҳар бир инсонни ўзини англаши, ўзини идора қилиши ва вужудини ёвуз иллатлардан поклаб, эзгуликка равона этишига ёрдам беради.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний яна шундай ўғит берганлар: “Худонинг ҳаққини ва Расулнинг ҳаққини адо қил!” Ундан кейин насиҳат қилганларки, “Ота ва онанинг ҳаққини адо қил”. Бу ўғитларни шарҳлаб Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон қуйидаги рубоийни келтиради:



Аввал карами довари худро бишинос,
Ва дигар раҳи Пайгамбари худро бишинос.
Чун ҳаққи Худову Пайғамбар донисти,
Ҳаққи падару модари худро бишинос.

Мазмуни:

Аввало худонинг карамини танувчи бўл,
Сўнгра Пайғамбарингни йўлини билувчи бўл.
Худо ва Пайғамбар ҳаққини танигач,
Ота ва онангнинг ҳаққини танувчи бўл.

Хожаи Жаҳон юқоридаги ўғитларига хулоса қилиб, таъкидлайдики, инсон тақводор, ибодатли ўз-ўзини назорат этувчи, Худо ва пайғамбар ҳамда ота – онанинг ҳаққини адо этувчи бўлса, бу хислатлар билан Ҳақ таолонинг ризосига мушарраф бўлади. Чунки бундай инсон покланади. Хожаи Жаҳоннинг бу ўғитларини шарҳлаб, “Маноқиб”нинг муаллифи қўйидаги рубоийни ёзганлар:

Покиза ҳисол боши андар ҳамма ҳол,
К-аз хислати покиза шави аҳли камол.
Беҳтар зи ризои Ҳақ чи ёбад банда,
Рози аст Худо зи марди покиза хисол.

Мазмуни:

Барча ҳолатларда покиза хислат эгаси бўл,
Покиза хислатдан камол аҳли бўласан.
Банда Худони розилигидан яхшироқ нима топа олади,
Худо покиза хислат эгасидан розидир.

Хожаи Жаҳон яна шундай ўғит берадилар: “Худойи таолонинг фармонини бажар, у ҳам сени сақловчи бўлади!” Худо ўз бандаларига лутфу марҳамат қилиб,

шифо, нур, раҳмат, файзу баракот қилиб ўз каломи бўлган Қуръони Каримни нозил қилди. Шунинг учун Хожаи Жаҳон васият қиладилар: “Қуръонни ўқишни, хоҳ зоҳир бўлсин, хоҳ Қуръондан бўлсин, ошкору пинҳонда ўзинга лозим тут”. Яна буюрадиларки, “Қуръонни тафаккур, тадаббур, ҳазинлик ва йиғи билан ўқи”.

Хожаи Жаҳон ўз ҳаётбахш ўғитлари билан инсонни илм олишга чақиради. У киши ўзларининг “Васиятнома” асарида шундай ёзадилар: “Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқ бўлма”. Бу васиятлари илм излаш жараёни инсон учун доимий одат бўлиши лозимлигига ишоратдир. Қуръони Каримнинг нозил бўлган биринчи оятлари ҳам ўқишга, илм олишга ва изланишга даъват билан бошланган. Бу ўғитни шарҳида қуйидаги рубоий келтирилган:

Эй толиби Ҳақ, зи илм маҳжур мабош,
Аз баҳри жаҳон хаставу ранжур мабош.
Хоҳи, ки ба қасри хулд наздик боши,
Аз жустани илм як қадам дур мабош.

Мазмуни:

Эй Ҳақ толиби, илмдан айрилма, ажралма,
узоқлашма,
Дунё учун хаста ва ранжур бўлма.
Агар хулд, яъни жаннатдаги боқий қасрга яқин
бўлмоқни истасанг,
Илм қидиришдан бир қадам ҳам узоқлашма.

Илм излашда ҳақиқий устозни ўрни катта эканлигини таъкидлаб, Хожаи Жаҳон ўғит берадиларки,



“Нодон сўфийлардан эҳтиёт бўл ва уларнинг омийларидан узоқ бўлки, улар дин йўлининг ўғрилари ва мусулмонларни йўлдан урувчидурлар”. Хожай Жаҳоннинг бу ўғитлари ҳозирги даврда ҳам долзарб бўлиб, ёшларни турли оқимлар таъсирига тушиб қолишидан ва жоҳил, нодон кишиларга шогирд бўлиб қолишидан сақлайди. Яна шу ўғитларга уйғун қуйидаги фикрни билдирганлар: “Суннатга ва жамоатга мулозим бўл ва уламолар мазҳабида бўлгинки, ҳар қандай бидъат гумроҳликдир”.

Хожай Жаҳоннинг ўғитлари ҳалол ризқ топишга ва меҳнатсевар бўлишга ундайди. Бу маънида қуйидаги ўғитларни берадилар: “Икки кўрс-нонга рози бўл”, “Ҳалол егинки, ҳалол яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан қочгинки, Ҳақ таолодан узоқ тушмагайсан”, “Эртага дўзах олови куйдирмайдиган ишни қил ва ибодатдан ҳаловат топиш учун ҳалолдан кийин”, “Доимо Ҳақ таолодан кўрқувда бўл ва ёдингда бўлсинки, бир куни қилмишингдан ҳисобга тутиласан.” Бу ўғитларни шарҳ этиб, ибн Рўзбехон шундай рубоийни келтирадилар:

Зинҳор, ки дур бош аз ризқи ҳаром,
То ту дур наяфти зи худованди жаҳон.
Рўзии ҳалол қулфи дил бикушояд,
Мифтоҳи ҳамаи чиз ҳалол аст мудом.

Мазмуни:

Албатта ҳаром ризқдан узоқда бўл,
Шунда Худодан узоқлашмайсан,
Ҳалол ризқ қалб қулфини очади,
Чунки, доимо барча нарсаларнинг калити ҳалолдир.

Хожаи Жаҳон ўз ўғитлари билан ҳар бир инсонни камтарин бўлишга, ўзаро чиройли муомала қилишга, одобли ва ҳаёли бўлишга ундайдилар. Бу маънида қуйидаги насиҳатларини айтиб ўтганлар: “Ном чиқармасликка интилкини, динни барбод қиласан”, “Бировнинг мақтовига учма, биров сени ёмонласа хафа бўлма, халқнинг мақтову ёмонлаши сен учун бир хилда бўлсин”, “Халқ билан чиройли муомала қил”, “Яхши ёки ёмон ҳолатларнинг барчасида одобли бўл ва барча халққа марҳаматли бўл”, “Жувонмард бўл ва Худои таоло сенга нимаики берса ўзгаларга ато қил”, “Бахиллик ва ҳасаддан узоқ бўлгинки, бахил ва ҳасадчи дўзах оловида бўлади”, “Зарурат бўлмагунча оғзингни очма”. Бу ўғитларни шарҳлаган “Маноқиб” муаллифи қуйидаги рубоийларни келтиради:

Саттори ҳамма уюб бояд будан,
Ғамхори ғами қулуб бояд будан.
Ғар дар талаби ризоии Холиқ боши,
Бо халқ ба хулқи хуб бояд будан.

Мазмуни:

Барча айбларни ёпувчи бўлмоқ лозимдир,
Қалблар ғамини еювчи бўлмоқ лозимдир.
Яратувчи ризолигининг талабида бўлсанг,
Халқ билан чиройли хулқда бўлмоқ лозимдир.

Абдулхолиқ Ғиждувоний барча инсониятга қарата айтганлар: “Халқнинг оғирини енгил қилмоқ лозим. Қўл ишда ва қалб Аллоҳ билан бўлиши керак”. Бу билан Хожаи Жаҳон Аллоҳ ризолиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлиги учун ҳаракат қилишга чақирганлар. “Даст ба кору, дил ба ёр”, “Қўл



ишда, қалб Ёр (Оллоҳ) билан” шиори ҳозирги кунга-
ча фаол тадбиркорликнинг ҳаракат шиоридир.

Нақл қилишларича, Хожа Абдулҳолиқ айтдилар
“Кимдаким беш хислат бўлмаса уни бародарликка
қабул қилманглар:”

Биринчи, теран фикр соҳиби бўлсин;

Иккинчи, илмига амал қилсин;

Учинчидан, раҳм-шафкатни хорликдан устун
қўйсин;

Тўртинчидан, ҳолу қол (шариат ва тариқат) илми-
дан хабардор бўлсин (яъни, кўнглини нафсу ҳирс ғу-
боридан поклаб, зоҳирий ва ботиний покликка эри-
шиш);

Бешинчидан, ўлимга доим тайёр турсин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хожа Абдулҳолиқ
Ғиждувоний ўзларининг “Васиятнома” асарлари ва
бошқа асарларида ёзган ўғитлари баркамол инсон
тарбияси учун муҳим маънавий-маърифий манба
сифатида хизмат қилади. Бу ўғитлар инсонни ҳа-
лол яшашга, илм олишга, меҳнатсевар ва гўзал хулқ
соҳиби бўлиш руҳида тарбиялайди.

ХОЖАИ ЖАҲОН РУБОИЙЛАРИ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга оид манбаларда у киши томондан ёзилган рубоийлар келтирилган. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаётига доир асосий манбаларни таржима этган олим Маҳмуд Ҳасаний таъкид этганларки, Абдулхолиқ Ғиждувоний етук пиру муршид бўлгани билан бирга забардаст шоир ҳам бўлганлар.

Эргаш Очиллов Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг рубоийларини жамлаб, таржима ва таҳлил этиб “Муҳаббат тароналари” асарига киритган. Охирги йилларда Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида нашр этилган мақола ва рисолаларда у кишининг қаламига мансуб деб, рубоийлар келтирилган. Айтиш лозимки, кўп ҳолатда Абдулхолиқ Ғиждувонийга мансуб деб ҳисобланган рубоийлар аслида Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асаридаги Хожаи Жаҳоннинг васиятларини шарҳлаш учун ёзилган рубоийлардир.

Манбаларда кўрсатилган Хожаи Жаҳоннинг рубоийлари ватанпарварлик, тинчликсеварлик, илоҳий ишқ, инсонпарварлик, меҳр-мурувват, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқ руҳида ёзилган. Тинчлик, дўстлик руҳида ёзилган рубоийлардан бирида Хожаи Жаҳон шундай ёзганлар:

Бар дўст муборакам, бар душман – шум,
Дар жанг чу оҳанам, дар сулҳ чу мум.
Сарчашмаи нур Ғиждувон манзили мост,
Ман тиғи дудама мезанам то дар Рум.

Мазмуни:



Дўстларга муборакман, душман учун шум,
Урушга қарши темирдай қаттиқман, сулҳ учун
мумдай юмшоқман.

Нур сарчашмаси бўлган Ғиждувон бизнинг ман-
зилимиздир,

Биз икки учли тиғмиз, Румга қадар урурмиз.

Бу рубоий таҳлили шуни кўрсатадики, Абдулхо-
лиқ Ғиждувоний дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатли-
лик, аҳиллик, тинчликнинг тарафдори бўлиб, душ-
манлик, қарама-қаршиликка зид бўлганлар. У киши
уруш ва жанжалга қалқондек қарши туриб, тинчлик-
ни ва осудаликни ҳимоя этганлар. Ватанлари Ғиж-
дувондан фахр этиб, ота-оналари яшаган макон Рум
– Туркиядаги Малатя шаҳрини ҳам унутмаганлар.
Хожаи Жаҳоннинг бу рубоийлари ҳозирги даврдаги
миллий ғоямизнинг ватан равнақи, юрт тинчлиги,
миллатлараро дўстлик, ижтимоий ҳамкорлик, диний
бағрикенглик ғояларига уйғундир.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Бар дўст му-
боракам,” деб бошланадиган рубоийларини таҳлил
этаётганда, “Мен икки дамли тиғман” деган ибора-
нинг моҳиятини тўла англамаган эдик. Фотима Те-
мурнинг “Кўнгил дўстлари” китоби ёрдамида бу Хо-
жаи Жаҳон томонидан айtilган Аллоҳ томонидан
берилган буюк башорат эканлиги маълум бўлади.

Саъид Нафисий Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг
“Рисолаи соҳибия” муқаддимасига Абдулхолиқ Ғиж-
дувоний форс тилида шеърлар ҳам айтганини, бош-
қа сўфий шоирлар каби ундан фақат рубоийлар ҳам
сақланганлигини ёзган. Муқаддимада Саъид Нафи-
сий Абдулхолиқ Ғиждувоний номи билан машҳур
бўлган қуйидаги рубоийларни келтирган:

Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.
Зинҳор ба интиқом машғул машав,
Бадро бадии хеш кифоят бошад.

Мазмуни:

Агар дилингда бирор кимсадан шикоят бўлса,
Ундан кўнглингни оғриғи бағоят бўлса,
Асло ундан ўч олиш билан машғул бўлма,
Чунки ёмоннинг ёмонлиги кифоят бўлур.

Эргаш Очилонинг “Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” тўпламида чоп этилган “Хожаи Жаҳон рубоийлари мўъжизаси” мақоласида юқоридаги рубоий батафсил таҳлил этилган. Эргаш Очилон фикрича, бу рубоий ҳам панд-насихат, ҳам фалсафий, ҳам диний, ҳам тасаввуфий, хуллас, бир неча маъно талқинига эга. Биринчидан, бирор киши сенинг кўнглингни оғритса, бундан изтироб чексанг-да, ундан ўч олишни ўйлама, зеро, ёмонга ёмонлиги етарли жазодир, деб насихат қилинмоқда. Иккинчидан, ёмоннинг ёмон бўлиб яратилганлиги унга бир умрлик жазодир. Ёмонга бундан ортиқ жазо бера олмайсан, деб фалсафий хулоса чиқарилган. Учтинчидан, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан, сен ҳам ёмонга тенг бўлсанг, илоҳий амрларга қарши борасан деган диний хулоса чиқарилган. Тўртинчидан, мўмин кишида кек – адоват бўлмаслиги керак. Бешинчидан, тасаввуфда бировга жабру жафо қилиш таомили йўқ. Олтинчидан, халқ орасида яхшиликка яхшилик – ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик – мард кишининг иши деган улўф бир хикматни сингдиради. Еттинчидан, рубоийнинг асл



моҳияти шундаки, ёмонликка ёмонлик қайтаришни
ўйлаган киши том маънодаги яхши одам эмас.

Рў дар сафи дўстони мо бошу матарс
Хок дар остонаи мо бошу матарс.
Гар жумла жаҳон ба қасди жонат хезан,
Дил дор қави ва з-они мо бошу матарс.

Мазмуни:

Дўстларимиз томон юз қўйгину қўрқма,
Остонамиз тупроқи бўлгину қўрқма,
Гар жумлаи жаҳон сенга қасд қилсалар ҳам
Дилни маҳкам тутиб, бизлар билан бўлгину қўрқма.

Бу рубоий орқали Абдулхолиқ Ғиждувоний хо-
жагонлар таълимоти инсонни икки дунё саодати-
га етказиши ва шунинг учун бу йўлда бўлган ин-
сон хавф-хатарлардан қўрқмаслиги кераклигини
таъкидлаган.

Дарвеш, ки нишаста дар кўху дара,
Он жо, ки палангу шер аз ў дар гузара.
Пирони қавий дорему, мардони сара,
Ҳар кас, ки ба мо каж нигарад жон набара.

Мазмуни:

Тоғ ва адирларда ўтирадиган дарвешлармиз,
Йўлбарс ва шерлар бор жойлардан ўтамиз.
Кучли пирлар ва яхши мардларимиз бор,
Ким бизларга эгри боқса, саломат қолмайди.

Бу рубоий орқали Хожаи Жаҳон таъкидлайди-
ларки, хожагонлар таълимотидаги пиру муршид,

хақиқий мардларнинг иймони жуда мустаҳкам ва кучли инсон бўлганлар. Оллоҳ уларни доим ҳифзу ҳимоясида сақлаган.

Чун мегузарат умр, кам озори бех,
Чун медиҳадад даст накўкори бех.
Чун киштаи худ ба дасти худ медарави,
Тухме, ки накўтараст агар кори бех.

Мазмуни:

Умр ўтар экан, озор бермаслик яхшидир,
Қўлингдан келар экан эзгу иш қилганинг яхшидир.
Ўз экканингни ўз қўлинг билан ўрар экансан,
Асл бўлган уруғни экканинг яхшидир.

Бу рубоийда тасаввуф аҳли учун хос бўлган мурув-ват ва саҳоват сифатлари тарғиб қилинади. Муаллиф ҳар ким экканини ўради, деган фалсафани баён этади.

“Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” асарида ҳазрати Хожаи Жаҳоннинг айтган рубоийларидан бир нечтаси киритилган:

Жоно, лабам аз зикри ту хомуш мабод,
Ёди ту зи хотирам фаромуш мабод.
Ҳар жо зи шамоилат ҳадисе гўянд,
Зарроти вужуди ман ба жуз гўш мабод.

Мазмуни:

Жоним (Аллоҳим), лабим сенинг зикрингдан ҳеч тўхтамасин,

Сенинг ёдинг хотиримдан асло фаромуш бўлмасин.
Қаерда сенинг гўзал жалолу жамолингдан сўз кетса,
Менинг вужудимни ҳар бир зарраси қулоққа айлансин.



Хожаи Жаҳоннинг бу рубойлари, у кишининг устозлари Юсуф Ҳамадоний ўғитларига асосан яратган рашҳалари хотирани поклаш учун зарур “Ёдкард”, “Бозгашт”, “Нигоҳдошт”, “Ёддошт”нинг моҳиятини очишга ёрдам беради.

Хожаи Жаҳоннинг илоҳий ишқни куйлаб яратган қуйидаги рубойлари бор:

Они ту, ки аз номи ту борад ишқ,
Аз номаву пайғоми ту борад ишқ.
Ошиқ шавад он кас, ки ба кўяд бигзарад,
Гўё зи дару боми ту борад ишқ.

Мазмуни:

Аллоҳим, Сен шундай Зотсанки, номингдан ишқ ёғади,

Сен иншо этган, яратган нарсалар ва хушхабарларинг, каломларингдан ишқ ёғади.

Сени таниган, кўчангдан ўтган ҳар бир киши, Сенга ошиқ бўлади.

Гўёки, Сен яратган борлиқнинг эшигу томидан ишқ ёғади.

Шу мазмунда яна Хожаи Жаҳоннинг қуйидаги рубойлари бор:

Жоно, зи ту то чанд андуҳ кашам?
Ин бори ғами гарон чун кўҳ кашам?!
Дилдор агар туи, дилдода манам,
Андуҳ кашам аз туву, андуҳ кашам.

Мазмуни:

Жоним, Аллоҳим, Сен учун қачонгача андуҳ тортаман?

Тоғ каби бу оғир юкни қачонгача кўтараман?!

Сен кўнгил олувчи бўлсанг, мен Сенга кўнгил берувчиман,

Сендан андуҳ тортаман, бу дардни кўп тортаман.

* * *

3-ин гуна, ки жилва он диловез кунад,

Ошиқ аз бало чи гуна парҳез кунад?

Бод аз маломати касон дар гўшам,

Лекин боде, ки оташам тез кунад!

Мазмуни:

Ўша дилни тортувчи Аллоҳ бу гўзал равишда жилва этса.

Ошиқ унинг ишқида куймай не айласин?

Одамларни маломати қулоғимга эсиб турсада,

Бу шамолдан менинг ишқим олови баландроқ ёнади!

Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи нақшбандия” асаридида куйидаги рубоий Ҳазрат Хожаи Жаҳонга мансублиги ёзилган:

Эй Хожа, туро ғами жамоли жоҳ ҳаст,

Андешаи боғу роғу хирмангоҳ ҳаст.

Мо сўхтағони оташи тажридем,

Моро ғами Ла илаҳа иллалоҳ ҳаст



Мазмуни:

Эй хожа, сенда улуғ мартабаларнинг ғами бор,
Боғу роғ ва хирмонгоҳларнинг андешаси бор,
Биз тажрид(яккалик) оловида куйганлармиз,
Бизда фақатгина Ла илаҳа иллалоҳнинг ғами бор.

Юқоридаги рубоийларда Хожаи Жаҳон илоҳий ишқ мартабаси, ошиқнинг аҳволи, ишқ дардининг инсонни камолотга етказиши каби масалаларини ёритиб, барча боғланишлардан узилиб, фақатгина Аллоҳга боғланишга чақиради. Бу билан бутун мавжудот ўсимликлар ҳайвонот, бани башар Аллоҳнинг жамолу жалолини тажаллий этишини таъкидлаб, Аллоҳни севадиган инсон Аллоҳ яратган, халқ этган нарсаларни ҳам севиши, ардоқлаши, эъозлаши ва холис Аллоҳ ризолиги учун уларга муҳаббат билан қараши лозим деган ғояни илгари суради.

Тоҳир Эшон асарларида қуйидаги байтларни Хожаи Жаҳонники деб ёзганлар:

Мулке, ки заминаш ҳама анбарсорост,
На мамлакати Хисраву, Кайхусраву, Дорост.
Се бор бигаштам ҳама рўи заминро,
Мулке, ки Латиф асту Шариф аст Бухорост.

Мазмуни:

Барча тупроғидан анбар ифори тараладиган мулк,
Хисрав, Кайхусрав, Доронинг мамлакати эмас.

Бутун ер юзини уч марта кезиб чиқдим,
Латиф ҳам, Шариф ҳам бўлган мулк Бухородир.

Бу мисралар Хожаи Жаҳоннинг ватанпарвар эканлиги, ўз ватани билан ғурурланиши ва фахрланишини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Хожаи Жаҳон рубоийлари тасаввуф таълимотининг назарий қоидалари ифодаси билан илоҳий ишқу инсонийлик тараннумини ҳам кўрамыз.



ТАСАВВУФГА ОИД АЙТГАНЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар хазинасида “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” (“Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганлари) номли рисола сақланаётганлиги ҳақида манбашунос олимлар М.Ҳасаний ва М.Раззоқова маълумот берганлар. Улар бу китобнинг айрим бобларидан таржималарни Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига тухфа сифатида тайёрлаб нашр этганлар. Таржимонларнинг фикрича, бу рисоланинг муаллифи номаълум. Рисола савол-жавоб тарзида ёзилган бўлиб, ўн учта бобни ўз ичига олади. Рисолада Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфга оид тавба, иродат, мурид, зикр, шайх, дарвешлик йўлининг одоблари, зуҳд, тақво, хотира ва уни таниш, қалб, сабр, ризо, муҳаббат, садоқат, тафвиз, таслим, шукр ва таваккулга оид берилган саволларга жавоблар ёзилган. Бу рисола шуни кўрсатадики, Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфнинг амалий томонлари билан биргаликда назарий томонларини ҳам ёритиб берганлар.

Рисоланинг биринчи бобида тавба ва унинг шароитлари ҳақидаги масала ёритилган. Тасаввуфда тавба Ҳақ йўлнинг бошидир. Тавбанинг маъноси Ҳақ ризолигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва амалдан қайтишдир. Рисолада ёзиладики, Хожаи Жаҳонга бир киши шундай савол беради: “Тавбайи насух нимадир?”. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний жавоб берганлар: “Тавбайи насухнинг учта белгиси бор: Биринчиси, нимаики Аллоҳнинг ризолигига хилоф бўлса, дарҳол ундан қайтишдир. Иккинчиси, ғафлат,

бефармонлик билан ўтган ва беҳуда, зое бўлган вақтларга доимо пушаймон бўлишдир. Учинчиси, қайта гуноҳ қилмасликка азм ва жазм қилишдир”.

Абдулхолиқ Ғиждувоний тасаввуфнинг асосий тushунчаси бўлган зикр ҳақида шундай деганлар: “Кўп зикр шундай зикрки, у узулишсиз пайдар-пай бўлади. Зикрда ҳеч қачон ғафлатга йўл қўйилмаслиги керак”. Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган Хожагон таълимотларида дил зикрини тавсия қилганлар. Хожаи Жаҳон дил зикрининг тўрта шарти борлигини айтганлар ва зикр шайх қайси тартибда ўргатган бўлса, шу тартибда амалга ошишини таъкидлаганлар. У киши зикрда луқмага эҳтиёт бўлиш лозимлиги, шубҳали луқма дилни қорайтиришини ва қорайган дилдан зикр ҳосили чиқмаслигини таъкид этганлар. Бу билан зикр аҳлини ҳалол луқмага эътибор беришга, яъни меҳнатсевар, инсофли ва диёнатли бўлишга чақирганлар.

Рисоланинг олтинчи бобида дарвешлик йўлининг одоблари ҳақида ёзилган. Бу бобда дарвеш доимо таҳоратли бўлиши бу йўлнинг зарурий шарти эканлиги таъкидланган. Бу билан Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақиқатга етишмоқчи бўлган инсонни зоҳиран ва ботинан пок бўлишга чақирадилар. Бу эса инсонни ҳам жисми, ҳам кийимлари, ҳам манзилу маконларини пок сақлашга ундайди. Бу эса пок ниятнинг асосидир. Таҳоратли ва пок ҳолда юриш инсонни шайтон ва инсу жин каби яширин душманлардан сақлайди.

Рисоланинг еттинчи бобида ёзиладики, Абдулхолиқ Ғиждувонийдан сўрайдилар: “Зухд нимадир?” - У киши жавоб берадилар: “Зухд уч ҳарфдан иборат бўлиб, ҳар бир ҳарфи бир маънога эгадир. “З”



ни дунё зийнатидан воз кечиш, “Х” ни ҳаво (беҳуда эҳтиросдан), “Д” ни дунёдан олганлар. Демак, мурид, яъни Ҳақ йўлини ирода этган киши дунё зийнатларидан бутунлай юз ўгириши, яъни уларга боғланмаслиги, улардан фақат эзгулик йўлида фойдаланиши, ҳавони, яъни беҳуда эҳтиросларни ўз қадамлари остида топташи, дунёдан эса бутунлай қўл ювиши керак”. Хожаи Жаҳоннинг фикрларича, аслида зуҳд шундайки, дунёнинг тамоми моли унинг қўлида бўлса ҳам, дилида бу молу дунёга заррача меҳр қўймайди. Бундай киши етук кишидир. Унинг моли, яъни бойлиги дину диёнати ва имонидир. Бундай инсон Аллоҳ берган неъматлардан нифоқ эҳсон қилувчи саховатпеша ҳолатидаги кишидир.

Рисолани саккизинчи боби “Фикрларни таниш ва унинг одоблари ҳақида” деб аталади. Таржимонлар хавотир сўзини фикрлар деб таржима этганлар. Бизнинг фикримизча, уни хотиралар дейиш тўғрироқдир. Чунки, Абдулҳолиқ Ғиждувоний устозлари Юсуф Ҳамадонийнинг ўғитларига амал қилган ҳолда, хотира масаласи билан махсус шуғулланганлар. У кишининг фикрларича, хотира тўрт хил бўлади: раҳмоний, яъни илоҳий, малакий, яъни фаришталарга хос, нафсоний ва шайтоний. Хотирани таниш инсонни икки дунё саодатига етиштиради. Хожаи Жаҳондан сўрайдиларки, “Хотирани таниш нима билан ҳосил бўлади?”. У киши жавоб берадилар: “Биринчиси шуки, хотирани таниш учун, яъни хотира асосида вужудга келган фикр, раҳмоний, малакий, нафсоний ёки шайтони эканлигини англаш учун, аввало таҳоратли бўлиш лозим. Инсон ҳам зоҳиран, ҳам ботинан таҳоратли бўлиши керак. Ботин таҳорати, яъни кўнгил поклигининг шартлари кўпдир. Чунончи, ҳаром

қилинган нарсаларни кўришдан кўз пок бўлиши, ғийбатларни ва ёлғонларни гапиришдан тил пок бўлиши, ҳаром овозларни эшитишдан қулоқ пок бўлиши, шариатда ушлаш мумкин бўлмаган нарсаларни ушлашдан қўл пок бўлиши, бориш мумкин бўлмаган жойга боришдан қадам пок бўлиши лозим. Бу беш таҳорат юзага келса, демак ботин таҳорати мукамал бўлган бўлади. Бу шартлардан яна бири шуки, ҳалол луқма ейиш, озгина ейиш, аммо Ҳақ ёди билан ейиш лозим. Яна бошқа бир шарти шуки, Қуръонни тафаккур билан ўқиш, кечаси туриш, саҳарда зорланиш ва кундузи яхши кишилар билан суҳбат қуришдир”. Демак, инсон ўз хотирасини таниши, яъни хотирасини раҳмоний ва малакий бўлишига эришиши учун пок, ҳалол луқмага амал қиладиган, Қуръонни ўқийдиган, ибодатли, ниёзманд ва яхши кишилар билан ҳамсуҳбат бўлиши керак экан.

Тасаввуфнинг энг асосий тушунчаларидан бири қалб ва унинг саломатлиги масаласидир. Ҳадиси шарифда ҳам ёзилганки, инсон жасадидаги юракнинг саломатлиги бутун вужудга таъсир этади. Абдулхалиқ Гиждувонийдан сўрайдиларки, “Бемор дилнинг давоси нима?” – Ҳазрат шундай жавоб берганлар: “Унинг давоси шуки, уламоларнинг суҳбатига интилади, уларнинг хизматида туради, уларнинг айтганини қабул қилиб, машойихлар ҳузурда бўлади. Шундагина унинг дилидан дунёга бўлган муҳаббат кетади. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: “Ўлим келмасдан аввал унга тайёргарлик кўринлар”. Инсон ўз умргузаронлиги жараёнини кўздан кечириши, ҳар бир амалидан огоҳ бўлиши ва ўлимни эслаши қалбнинг саломатлигига боғлиқдир. Қалбнинг саломат бўлишига эса уламолар билан



ҳамсуҳбат бўлишнинг ўрни жуда катта экан. Ҳамсуҳбатнинг қандайлиги қалб ҳолатига таъсир этади. Бехудага Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Ўз болангни ўзинг асра” деб, оилаларни огоҳликка даъват этмадилар. Чунки ҳар бир ота-она боласини ким билан дўст бўлаётганини билса, унинг боласи ёмон кишилар таъсирига тушмайди.

Тасаввуфнинг энг муҳим тушунчаларидан яна бир сабрдир. Сабр – нафсни жиловлашнинг асосий воситасидир. Абдулҳолиқ Гиждувонийдан сўрайдилар: “Сабрли банданинг аломатлари қандай?” – Шайх шундай жавоб берганлар: “Аломати учтадир: Биринчиси халқдан унга заҳмат етса, бунга эътибор қилмайди, ҳеч кимга айтмайди, чунки айтиш Ҳақ таолодан шикоят қилишдир. Иккинчиси, кўнгилда эътироз қилмайди. Учинчиси, бадавлат киши моли билан қандай фахрланса, у бошига келган балога шундай фахрланади”. Хожаи Жаҳон сабрнинг энг асосий белгиси сифатида ризони кўрсатмоқдалар ва ризо тушунчасини шундай изоҳлайдилар: “Ризо бу шодликдир, яъни Ҳақ таоло томонидан балолар ва кулфатлардан нимаики етса, бунга хушнуд бўлади ва кўнгида бу балоларга қарши эътироз қилмайди. Чунки балолар дўстдан (Аллоҳдан) келаётганини англайди”. Хожаи Жаҳоннинг бу фикрларидан тасаввуф аҳли учун хос бўлган бир сифат Аллоҳнинг ризолигига эришиш эканлиги намоён бўлади.

Тасаввуфдаги энг асосий тушунчалардан бири муҳаббат ва садоқатдир. Хожаи Жаҳондан сўрайдиларки: “Муҳаббатнинг асл ҳақиқати нимадир?”. У киши жавоб берганлар: “Муҳаббатнинг ҳақиқати шундаки, маҳбубнинг муҳаббати муҳибга нисбатан шу даражада ғалаба қиладики, унинг барча сифатла-

ри маҳбубнинг мушоҳадасида бутунлай фоний бўлади ва муҳиб учун ўзининг сифатларидан ҳеч бир хабар қолмайди. Маҳбубдан муҳибга етган ҳар қандай аламу захмат унинг учун улуғ тухфага айланади”.

Бу рисолада таҳлил этилган тушунчалардан яна бири тафвиз ва таслимдир. Бу тушунчаларни Абдулхолиқ Гиждувоний қўйидагича изоҳлаганлар: “Келмаган нарсага чора кўришни танлаш, яъни қазо келмасдан бурун рози бўлиб туриш тафвиздир. Таслим эса ҳали келмаган нарсага эътироз билдиришдан қўл тортишдир, яъни бандага келган ҳар қандай ҳукм ва қазога на зоҳирда ва на ботинда эътироз билдирмайди. Тақдирдан келган яхши ва ёмон кунни ҳам Аллоҳдан деб билиб, унга бир хилда уни сокин қарши олиб кузатади”.

Абдулхолиқ Гиждувоний таҳлил этган тушунчалардан бири шукрдир. У кишининг фикрича, неъматларнинг шукри шундайки, бу неъматлар учун Аллоҳнинг фармонларига амал қилишда осий бўлмайди, яъни бу неъматларни ҳалол йўл билан ўз меҳнати эвазига топиб, уни исроф қилмасдан ва уни Аллоҳга ҳамду санолар айтиш билан истеъмол этади. Шукр ва шукроналик жамиятга тинчлик, ҳалоллик, аҳиллик, осойишталик, хотиржамлик ва бахту саодат келтиради.

Хожаи Жаҳонга савол берадиларки: “Таваккул нимадир?”. – У киши таваккулни шундай тушунтирганлар: “Таваккул банда барча тадбир ва сабабларни ушлаши ва ишининг натижасини Аллоҳга топширишидир. Чунки, Аллоҳга ким таваккул қилса Аллоҳ уни ҳимоя қилувчидир”. Бу ердан таваккул деганда, қўлни қовуштириб, Аллоҳдан ризқни кутиб туриш эмас, балки ҳалол меҳнат қилиб,



унинг самарасини ва ажрини Аллоҳ томонидан берилишига комил ишонч билан боқиш назарда тутилади.

“Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний”да Хожаи Жаҳоннинг тасаввуфга оид фикрлари масала деган изоҳ билан келтирилган. Бу асарда таслим тушунчаси қуйидагича ёритилган:

Бир дарвеш “Таслим нимадур?” – деб сўради. Хожа Абдулхолиқ дедилар: “Таслим шундай нарсаки, Мийсоқда нафс ва мол Худога сотилган ва жаннат харид қилинган, бугун менга таслим қилурсанки, нафс ва мол таслими шу важдан бўлурки, нафсини Ҳақники деб билур, бироқ Ҳақ харжи сифатида кўргай, шу туфайли мол билан ҳам, нафси билан ҳам Худонинг бандаларига яхшилик қила олсин ва ҳеч кимга миннат қилмасин, ўзини уларнинг ботинида деб билсин. Молу дунёга ўз ботинидан йўл бермасин ва шунда ўзини унинг ҳукми ва қазосига таслим қилган бўлади”.

“Таслим” деганда Абдулхолиқ Ғиждувоний бандага берилган нафс ва мол тўла ҳаммаси Аллоҳники эканлигига ишониб, у бандага омонат сифатида берилганлигини англашидир, дейди. Шунинг учун уларни фақат Худонинг бандаларига эзгулик йўлида сарфлаш лозим. Аммо моли ва жони билан хизмат қилаётганда шу хизматидан рози бўлиб, миннат қилмасдан бу ишни амалга ошириш лозим. Моли инсоннинг ботинида бўлмаслиги, балки фақат Аллоҳ рози бўладиган ишга сарфланганида ҳақиқий таслим ҳолати бўлади.

“Мақомот”да қалб тушунчаси ҳақида ҳам масала берилган. Бир куни ходим Абдулхолиқ Ғиждувонийдан сўради:

- Дилнинг фароғати нима?

Абдулхолиқ Ғиждувоний жавоб бердилар:

- Дил фароғати шундайки, дунё машғулотидан озод бўласан. Чунки Ҳақ таоло Расул (с.а.в.)га: “Эй Муҳаммад, барча мавжудотдан форуғ бўл, ўшанда бизнинг хизматимизга машғул бўл”, – деб буюрди. Бас, Худованди таолонинг бир тоифа бандалари бор-дурки, уларни олди-сотди ва халқ билан бўлган муомала Аллоҳ зикридан тўхтата олмайди. Мен уларни яхши кўраман. Агар қўлингиздан келса, сиз ҳам улардан бўлсангиз, бу сизга муборак бўлур. Агар бундай бўлолмасангиз, унда шундай одамларга молингиз билан хизмат қилинг, уларнинг хотиржамлик, дил фароғати учун зарур воситаларни муҳайё қилинг, токи уларнинг давлатлари неъматидан баҳраманд бўлгайсиз.

Хожаи Жаҳоннинг бу фикрлари хожагон таълмотидаги “Хилват дар анжуман” рашҳасига мос келади. Зикрда бўлган инсонни бирор машғулот, ҳатто тижорат ва инсонлар билан муомала ҳам чалғита олмаслиги лозим. Хожаи Жаҳон шогирдларига шундай амал тутиш лозимлигини таъкид этмоқдалар. Мабо-до шу даражага етишга қийналсангиз, шу камолот даражасига етган инсонларга молу жонингиз билан хизматда бўлинг ва уларни хотиржам дил фароғати билан зикрда бўлишлари учун зарурий воситаларни муҳайё қилинг, дейдилар. Ана шунда бундай улў инсонларнинг давлати неъматидан баҳраманд бўла оласиз. Бунинг сабабларини Хожаи Жаҳон қуйидагича тушунтирганлар:

- Улар амалга оширган ҳар тоат ва ибодат ўша сиз берган луқма орқали юз беради. Натижада унинг савоби луқма соҳибига ҳам етади. Уларнинг сўзлари



ва камолот даражаларининг савоби соҳиби луқманинг амаллар девонига битилгай. Ҳар ким уларнинг хизмати ва муҳаббатини кўнглига солса қиёмат куни уларга қайтарилажақдур. Ўша соҳиб давлатларда баъзи вақтлар бўлурки, “Ли маллоҳ” вақтининг хосиятига эга бўлур. Ўша вақтда Илоҳий жузъиёт тасарруфига қодир бўлурлар. Бу ҳолатда уларнинг нафслари осмон ва замин аҳлининг муомалаларини билур. “Ҳаққа яқин бўлмоқ жин ва одамларнинг амалига тенгдир” сўзининг хазинасидур. Бу соҳиб давлатларнинг ушбу ҳолидан насиба шундай пайтда, яъни уларга хизмат қилганда ҳосил бўлурки, Машриқ ва Мағриб аҳли бунинг ҳисобини қила олмаслар. Бас, ҳар ким бу дунёда арзимас нарса билан бу тоифанинг хизматини қилса ҳам Ҳақ таоло унга қанчадан-қанча савоб ва марҳаматларни кўрсатур.

“Мақомот”да ёзиладики, олам хожаси Абдулҳолиқ Ғиждувоний айтганларки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) буюрадиларки, “Дунё ҳоли нарвоннинг мисолига ўхшайди. Бу нарвон билан иллийинга чиқса бўлур, ёки бу нарвон билан асфал ус-софилинга кетса бўлур”. Бу ҳадисни изоҳлаб Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний дедилар:

- Дунё молини ҳам жаннат даражалари ва Ҳаққа яқинлик даражасига айлантурса бўлур, ёки дўзахни топиш ва ҳазрати Ҳақдан узоқлашиш даражасига айлантириш ҳам мумкин. Чунончи, Худойи таоло саодат кимёгарлиги билан буюрадидики: “Сенга дунё молу неъматларидан нимаики берган бўлсак, охиратни қидир, дунёдан нимаики насибанг бўлса, уни унутма”. Бу шу нарсага ишораки, молу дунёдан сенинг насибанг шу миқдордаки, уни ҳавою нафс йў-

лида сарф қилганингдан кўра Худо розилиги йўлида харж қилганинг яхшидир. Кимки молу дунёни ҳавою нафс йўлида харж этса, Қуръондаги Худо огоҳлантириши остида бўлади. “Молу дунёни ўз жойига харж қилмаганлар шайтоннинг биродарларидир”. Демак, ақлли киши ўзини шайтонга биродар қилмайди ва бунга йўл қўймайди.

Демак, “Аз гуфтори Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” рисоласи ва “Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” даги масалалар Хожаи Жаҳон маънавий меросида тасаввуфий тушунчалар таҳлилига оид ғоят қимматли фикрлар мавжудлигидан далолат беради. Тасаввуфий тушунчалар таҳлилига оид Абдулхолиқ Гиждувонийнинг фикрлари Хожагон ва Нақшбандия таълимотининг шаклланиши ва ривожлашига катта ёрдам берган.



УСТОЗГА ЭХТИРОМ

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг маънавий меросидаги асарлардан бири у кишининг устозларига эҳтиромлари баён этилган маноқибдир. Мустақиллик даврида Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи Шайх-уш-шуюх ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи соҳибия”, “Рисолаи фуқароия” номли асарлари форсий тилдан ўзбек тилига таржима этилиб, чоп қилинганлиги муҳим воқеа бўлди. Бу асарлар турли номлар билан аталса-да, барчаси Хожа Юсуф Ҳамадонийга бағишланган.

Эронлик машҳур олим Саъид Нафисий “Рисолаи соҳибия” номли Абдулхолиқ Гиждувонийнинг асарини Техронда ҳижрий 1332 йилда “Фарҳанги Эрон-Замин” номли тўпламнинг 1-жилдида эълон қилган. Абдулхолиқ Гиждувонийнинг бу асарини бухоролик шоира Ибодат Ражабова ҳам 1993 йилда эркин таржима қилган.

Нақшбандшунос олим Ориф Усмон 1993-йил “Рисолаи Шайх-уш-шуйуҳ Юсуф Ҳамадоний” ёки “Рисолаи фуқароия” деган Абдулхолиқ Гиждувоний асарлари билан танишиб, уларнинг таржималари асосида Шайх Юсуф Ҳамадоний ҳақида ёзганлигини маълум қилган.

Абдулхолиқ Гиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” китобида пиру муршидлари Юсуф Ҳамадонийнинг сурат ва сийратларини баён қилган.

“Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”да Ҳазрат Абдулхолиқ ўз устозларини қадам-бақадам кузатиб, ҳар бир қиладиган ишлари, ҳар бир айтган сўзларини баён қилган. Шунини таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Юсуф Ҳа-

мадоний Бухоро, Самарқанд, Марв (Мори), Хоразм, Бағдод, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ерларда илм олган. Ҳазрат икки юз ўн учта буюк аллома, шайхлар билан ҳамсухбат бўлгани манбаларда қайд қилинган. Қуръони Каримни минг марта хатм этган, тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ ва каломга оид 700 та китобни ёд олган. Ул зоти шарифнинг етти юздан ортиқ шогирдлари авлиёлик даражасига эришган.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида ёзилишича, Хожа Али Формадийнинг тўртта энг етук халифа (ўринбосар) лари бўлган:

- 1.Хожа Абдулло Мунир Амиқий
- 2.Хожа Исҳоқ Фахр Насрободий
- 3.Хожа Ҳамидиддин Мултоний
- 4.Хожа Юсуф Ҳамадоний.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Хожа Али Формадийдан Ҳазрат Имом Муҳаммад Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Юнус Сажовандий, Сайид Аҳмад Бедистоний, Хожа Солмон Фарёбийлар ҳам таълим олиб, улуғ мақомларга эришганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида ёзилганки, “Бир кун Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний менга қараб дедилар: “Мен Хожаи Калон (яъни Формадий) нинг тўртинчи халифалари бўлганим каби, сиз ҳам менинг тўртинчи халифамсиз”. Шундан сўнг кўзлари ёшга тўлди. Мен сўрадим: “Сизнинг ўрнингизда ким халифа бўлгай?!”. Шайх дедилар: “Эй, Абдулхолиқ, ўрнимда Абдулло Барқий бўлиб, сўнг Хожа Ҳасан Андоқий ва кейин Хожа Аҳмад Яссавий бўлар. Хожа Аҳмад Яссавий Туркистонга сафар этгай, унинг ўрнида сиз халифа бўлгайсиз.



Ҳамма вақт шариат ҳукмларига амал айланг ва ҳеч қачон шариатга зид ишни этманг ва кимники шариатга зид иш этаётганини кўрсангиз, ани ман айланг!”⁸

Юсуф Ҳамадонийнинг турмуш тарзи шундан далолат берадики, аллома жуда хушмуомалали киши бўлиб, юксак камолотга етган инсон сифатида халқнинг самимий ҳурмати ва эъзозига лойиқ бўлган. Ҳазрат Ҳамадоний қалби эгри, фосиқ, такаббур, маккор, золим, халққа озор берувчи, порахўр, бидъат билан шуғулланувчи, мазҳаби бузук, ҳаромхўр, ноҳақ қон тўкувчи, бенамоз, риёкорларга танбеҳ берар ва тавба этиб, ушбу иллатларни тарк қилишларини амр қиларди. Агар улар бу иллатларни тарк этмаса, ундайлар билан ҳамсуҳбат бўлмас эди. Ҳазрат умрида ҳеч кимни ҳақорат қилмаган, ҳатто тилига “лаънати”, “бадбахт”, “ит” деган ҳақорат сўзларни умуман олмаганди. Ҳамадонийнинг одоб-ахлоқи, қиладиган ишлари суннатга мувофиқ бўлиб, Ҳазрат пайғамбар (с.а.в.)га издош, пайрав эди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний устозини эъзозлаб ёздики, Юсуф Ҳамадоний жуда пок, ҳалол ва меҳнаткаш инсон эдилар. Ул зоти шариф деҳқончилик ва косиблик (этиқдўзлик, ямоқчилик) ҳунарлари орқали ризқ-рўзини топарди. Ҳалол касбдан топган маошларини бева-бечора, етим-есир, кўзи ожиз, мусофир, камбағал, толиби илмларга эҳсон қиларди. Беморлар ҳолидан тез-тез хабар олар, уларга меҳрибонлик кўрсатарди. Доимо ўзи билан жойнамоз, мисвок, атир, тоза қўл рўмолча, шунингдек, кулча, майиз, хурмо ҳам олиб юрар ва ҳамсуҳбатларига улашарди.

⁸ *Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 14-бет.*

Юсуф Ҳамадоний “умрларида бирон марта тиланчилик қилмаган, муридларини ҳам бундан қайтарар эди”.⁹ Таом ейишда ҳалол ва покликка эътибор берарди. “Бозорда пиширилган овқатдан емасди”.¹⁰ Бировнинг насибасига ва луқмасига кўз олайтирмас, тўсқинлик қилмас эди. Мулойим сўзлар, юраётганда оҳиста қадам ташлар эди. Ҳалол еб, ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутарди. Халқ орасида ҳалолдан кийишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечириш лозимлигини ташвиқ этарди. Ҳар оқшом ўтган кунининг ҳисоб-китобини қиларди, ризқ ғамини емасди.

Хожаи Жаҳон эътироф қилиб ёзганларки, устозлари Юсуф Ҳамадоний бировга озор бермасди. Юсуф Ҳамадоний таомларини ўзи пиширар, кирларини ўзи ювар, кийимларини ўзи ямарди. Ямоқли кийимни яхши кўрарди. Шунини таъкидлаш жоизки, ўша асру айёмда зарбоф тўнлар киймоқ, заррин камарлар боғламоқ бойлар, дарбор аҳли, зодагонларга расм бўлган эди. Мусулмонлар ботинни эмас, балки зоҳирни безай бошладилар. Ҳазрати пирнинг оддий кийим, ҳатто ямоқли кийим кийиши зоҳирпарастларга танбеҳ бўлган. Ямоқли кийим – кибру манманлик кушандаси, камтарлик белгиси. Бу – нафсини ўлдирган, нафсини хору зор қилган кишилар либоси. Бу – ички дунёсини зийнатлаган аҳли тақво, аҳдуллоҳларнинг либоси. Ҳазрат от минмас, зарурат бўлганда эшакка миниб сафар қиларди.

Юсуф Ҳамадоний жуда камтарин инсон бўлиб, суҳбатларда, давраларда олимлигини, авлиёлигини асло ошкор этмасди. Суҳбатдошларидан ўзларини

⁹ *Хожа Абдулхалиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 17-бет.*

¹⁰ *Ўша ерда, 18-бет.*



баланд тутмас, ҳеч кимни таҳқирламас, мазах қилмас, кимни кўрса, унга “Ҳожа!” деб мурожаат қиларди. Умрида бирор маротаба ҳам оёқларини узатиб ўтирмаган. Ҳеч нарсани ва ҳеч кимни камситмас эди. “Тапираётганда мен демасди. Агар эҳтиёж бўлса “бечора” дерди. Ҳеч кимни қарғамас, учраган мўминга салом берар эди, ҳар бир кириб келган киши учун оёққа турарди”.¹¹ Ҳеч кимга ҳасад қилмасди. Номаҳрам хотин-қизларга, инчунин, болаларга асло тикилиб қарамасди.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний сўзларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Юсуф Ҳамадоний ўз нафсини жиловлаб олган инсон тимсоли эди. Кимдан бир яхшилик кўрса, уни бир неча баравар қилиб қайтарар эди. “Кўнгилдан севувчи ва севиловчи сидқу сафо аҳлига мансуб бир инсон эди. Ихлосли, ҳалим ва саховатли зот эди. Аллоҳга доим шукр қилар, асло шикоят этмасди. Ҳақ қисматига рози, ҳар лаҳза ўлимга тайёр эди. Омонатга хиёнат этмас, қариндош-уруғларни тез-тез зиёрат қиларди. Қўни-қўшничилик ҳаққига риоя қиларди. Йўлларни йўловчиларга азият етказувчи нарсалардан тозалаб юрарди”.¹² Шогирдларига нафсни танишга ва кўнгилга келадиган тушунча (хавотир)ларни билишга ҳаракат қилинг, деб ўгит берарди. Тасаввуфда ҳақиқий сўфийларни нафси ўлик кишилар деб, улуғлаганлар. Юсуф Ҳамадоний ҳам шундай улуғвор инсон бўлиб, у кишининг турмуш тарзида ҳам буни кўриш мумкин бўлган. Масалан, қиш кечалари ёстиқ ишлатар, ёзда

¹¹ *Ҳожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 20-бет.*

¹² *Ўша ерда, 21-бет.*

эса буйра устида суюниб ётарди. Ўз замонасида бу хам камтаринлик белгиси бўлган. Касалларни бориб кўрар, муҳтожларга қарз берар, лекин уни қайтиб олмас эди. Бирор нарса ёки бирор кишини лаънат-ламас эди. Шогирдларига ғийбат қилишдан ва кўп сўзлашдан сақланишни маслаҳат берарди. Шундай улуғ зотдан таълим кўрган Абдулхолиқ Гиждувоний, устозига муносиб шогирд бўлиб камолга етганлар.



ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

Махдуми Аъзам томонидан ёзилган “Маноқиби Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний” асаридаги ривоят ва нақллар Хожаи Жаҳоннинг камолот даражаларини кўрсатади.

Ривоят килишларича, муридлари Хожага савол берибдилар: “Шайхим сиз қандай қилиб бу икки дунё саодатига эришгансиз?” Абдулҳолиқ Ғиждувоний жавоб бердилар: “Ишладик, едик, лекин ўзимизни кўрмадик”. Шогирдлари: “Бу сўзларни маъноси нима, бизларга тушунтиринг”, – дебдилар. “Эй дарвешлар, билинглари, пайғамбар (с.а.в.) нинг айтишларича, “ишладик” – “Ман кона-л-лоҳа, кона-л-лоҳ лоҳу,” яъни “Ҳар ким Оллоҳ билан бўлсин, Оллоҳ ризолиги билан ишласин, Оллоҳ ҳам у билан ва ундан рози”. Биз Оллоҳ ризолиги йўлида ишладик. “Едик” дегани қўйидаги оятда мувофиқдир: “Ва инна-мо-л-мўминлика ихватун,” яъни “Мўминлар бир- бири билан бародарлар”. Дунё фарзандлари ва дин бародарларини ғами билан бўлдик. “Ўзни кўрмадик” деганининг маъноси “Ва ютўимуна-и-таъолла ало ҳуббиҳи мискинан ва ятийман ва асийро” – “Меҳр-муҳаббат юзасидан мискин, етим ва есирларга озиқ-овқат беринг” каломига мувофиқ, Оллоҳ берган ҳар неъматни Оллоҳ йўлига сарфладик, худбинлик қилмадик, ўзимизни кўрмадик. Етим-есир ва бева-бечораларга меҳр-муҳаббат билан мурувват кўрсатдик. Сизлар шу ишларга амал килинг, токи саодатманд бўлиб, обрў-эътиборга мушарраф бўлгaysиз. Албатта улуғ даража, мақомларга етиб, Оллоҳнинг хос бандаларига айланасиз.

Нақл қилишларича, кароматлар соҳиби, башоратчи Шайх Нажмиддин Кубро Чингизхон ҳужуми замонида бомдод намозидан сўнг Оллоҳга берган неъматлари учун шукроналик қилиб, анча ўйга толибдилар, кейин бош кўтариб саҳобаларига: “Бу сарзаминга бир бало яқинлашаяпти, бу вилоятга зиён тегади”, дебдилар. “Бу балони фақат унинг кучи билан даф қилиб бўлади, у бизни биродаримиз Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийдир”. Икки муридни Хожа хизматига юборибдилар. Айтдиларки: “Биродаримизга айтинглар, дуо вақтида Оллоҳдан гуноҳларни авф этишни сўрасинлар, шояд у кишининг дуолари шарофатидан, мўминлар охир замон балосидан нажот топсалар”. Қосидлар, яъни элчилар йўлга тушдилар. Уларга йўлга бир карвон учради, улар билан сўрашиб Хожа ҳолидан сўрадилар. “Хожанинг жаноза намозини ўтказиб Бухородан чиқдик. Бухоро ва бухороликлар учун қиёмат бўлиб, улар кўзига ёруғ олам тор бўлган”, – деб карвондагилар жавоб беришди. Қосидлар йўлларида қайтиб Шайх Нажмиддин Кубронинг олдиларига келдилар ва Хожа Абдулхолиқнинг дунёдан ўтганини хабар қилдилар. Шайх умидларини узиб, “Биз Оллоҳданмиз, яна унга қайтамыз”, – дедилар. Яна айтдилар: “Оллоҳ агар бирор қавмни бошига бало ёғдирмоқчи бўлса, ё бирор фитнаю зиён етказмоқчи бўлса, аввало ўз валийсини олади ва сўнг балосини юборади. Энди балони келиши аниқ, фитнаю зиённи азобу заҳмат билан чекамыз”.

Нақл қилишларича, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний айтган эканлар: “Агар бизга ўтирган чивин биздан учиб бошқа кишига қўнса, қиёмат куни Оллоҳ уни оловдан (дўзахдан) омон бермаса, биз ором олмаймыз”.



Бир кун Хожа хизматида бир дарвеш дер эрдик, агар Аллох таоло мани беҳишт билан дўзах орасида мухайяр қилса, мен дўзахни ихтиёр қилурмен. Чунки, ҳаргиз нафсим муродига муносиб иш қилмасдурмен. Бу ҳолда беҳишт нафс муродидур ва дўзах Ҳақ муроди. Ҳазрат Хожа ул сўзни рад қилдилар ва дедиларки, “Бандаға ихтиёр билан не иш, ҳар қаён деса бор, борурбиз ва қаён деса бўл, бўлурбиз, бандалиқ будур! Йўқ улки сен айтасан”.

“Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний”да шундай нақл келтирилган: Хожаи Бузруг Хожа Абдулхолиқ тариқат аҳллари билан ўтириб, илми ладуний музокараси билан машғул эдилар. Шу аснода Хожа Абдулхолиқ тафаккурга чўмдилар ва шогирдларига шундай дедилар:

- Эй фарзандларим, ҳозир бўлингки, бир марду майдон яъни Яссавий Ато давлатининг байроғи ва саодатининг ноғораси навозишга кирди. Аллох таоло тавфиқи билан тез орада бу содиқ дарвеш етиб келур. Кўплар суҳбат шарафига ноил бўлурлар!

Бу сўзларни айтиб туриб, сўрадилар:

- Ичингизда ким бордурки, мусофирларга хизмат камарини боғлагай?

Хожа Аҳмад Сиддиқ бу хизматни ихтиёр этди. Ва мусофирларни кутиб олиб, уларни машойихлар орасидаги одат бўйича эъзозу икром қилди. Сафар муддати поёнига етгандан кейин мусофирлар ўз юртларига қайтдилар. Хожа Аҳмад Сиддиқнинг бу холис хизматлари учун Хожа Абдулхолиқ у киши ҳақларига чексиз сано ва беҳад мақтовлар айтдилар ва дедилар:

- Эй фарзанд, сен бойликни тарк қилганинг учун арвоҳлар олами сенга насиба берди. Сен мусофир-

лар хизматини ўзингга лозим тут, токи икки жаҳон саодати ва боқий давлат сенга муяссар бўлғай!

Хожаи Жаҳоннинг шу назарлари туфайли Хожа Аҳмад Сиддиқ тариқат асҳобларининг пешвоси ва ҳақиқат арбобларининг қибласига айланди.

Нақл қилинишича, тариқат асҳобларидан бири Хожа Абдулхолиқни зиёфатга таклиф этган эди. Хожа зиёфатда ҳозир бўлдилар ва ҳеч нарса емадилар. Зиёфат соҳиби ейишни ўтиниб сўради. Хожа дедилар:

- Хамир қориган киши бетаҳорат бўлган экан, биз учун бу таомдан емоқ жоиз эмаски, ундан еб вақтимизни ғорат қилмағаймиз!

Суриштириб кўришса, аҳвол Хожа айтгандек бўлган экан.

Нақл қилинишича, Хожа Абдулхолиқ бир куни толиб дўстларга дарс айтиш билан машғул эдилар. Ярамас кишилардан бир жамоат уларнинг ёнларида зиёфат уюштириб, фасод ишлар билан шуғуллана бошладилар. Ҳазрати Хожа Ориф бу ҳолни манъ қилдилар ва уларга ҳайбат назари билан боқдилар. Бунинг таъсиридан улар ўртасида жанжал кўтарилиб, қасрдан тушиб ҳалок бўлдилар. Бу воқеани эшитиб, Хожа Абдулхолиқ Хожа Орифга қарата шундай дедилар:

- Эй фарзанд, тарбият ҳайбат ва ҳалокат учун эмас, хизмат ва марҳамат учундир.

“Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний”да шундай ёзилган: Бир киши Абдулхолиқ Ғиждувонийдан илтимос қилиб, деди:

- Менга насихат сўзини айтсангиз, токи бу насихатга амал қилиб, қиёмат куни омон бўлувчилардан бирига айланай!

Хожа Абдулхолиқ дедилар:



- Уч нарса борки, ҳар ким бу уч нарсани яхши кўрса Худодан йироқ бўлади. Бу учдан бири шуки, ҳар кимса тинимсиз хуш таомлардан ейишга ҳарис бўлса, дўзахга яқинроқ бўлади, дўзах эса унга яқин бўлади. Ҳар ким хасис бойлар билан ўтиришни одат қилса, бошқаси эса дабдабали либос кийишга интилса. Чунки бу уч нарса ҳавойи нафсандир, ҳар ким ҳавойи нафс йўлидан юрса, дўзах унинг жойи бўлади. Бу ишлардан зинҳор узоқ бўл, токи қиёмат куни ночор аҳволда қолмагайсан!

Нақл қилинишича, Хожа Абдулхолиқ асҳоблари билан Каъбага кетаётган вақтларида йўлда ташналик асҳобларга таъсир қилиб, бағоят ташна қолдилар. Ногоҳ бир қудуққа етиб келдилар, бироқ асҳобларда челак ва арқон йўқ эди. Хожаи Бузрукка:

- Асҳоблар ғоят ташнадурлар, бироқ челак билан арқон йўқдур, таҳоратга ҳам муҳтождурмиз, – дедилар.

Хожа Абдулхолиқ:

- Ходимни чақириб келинглар, – деб буюрдилар.

Ходим келгач, унга дедилар:

- Мен қудуқ олдига бораман ва намоз ўқишни бошлайман, сизлар сувдан ичиб, таҳорат қилинглар.

Сув қудуқ қирғоқига чиқди. Барча сувдан ичиб таҳорат қилдилар. Шу пайт бирталари кўза келтириб, сув билан тўлдирган эдиларки, сув яна қудуқнинг тагига тушиб кетди. Хожа Абдулхолиқ дедилар:

- Эй дўстларим, агар сизлар Худога ишонч қўйганларингизда, бу сув то қиёматгача қудуқ тагига тушиб кетмас эди!

ШОГИРД ЭЪТИРОФИ

Хожаи Жаҳон устозларини эъзозлаганлари каби, шогирдлари ҳам у кишини камолотларини эътироф қилиб асарларида ёзган. Бухорои Шарифнинг иккинчи пири Муҳаммад Ориф Ревгарий ўз устози Абдулхолиқ Ғиждувоний камолот даражаларини эътироф этиб, ўз қўллари билан ёзган қимматли дурдона – “Орифнома” асарида устозлари ҳақида қуйидаги тавсифларни баён этганлар: Маъдани ҳақойиқ, яъни ҳақиқатларни ўзига жамлаган хазиналар кони, толиғал алойиқ, яъни Аллоҳ билан алоқалари кўришиб турувчи юлдуз, бахт иқбол қуёши, жаноби фоиқ, яъни юксак мартабали жаноб, қошифи Субҳоний, яъни илоҳий сирларнинг кашф этувчиси, дину дунё шайхи, муқтадоси, яъни пешвоси ва мавлоноси.

“Орифнома” асарида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, Абдулхолиқ Ғиждувоний Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаварани зиёрат қилиш ниятида Ҳаж сафарига борганлар ва уч йил бўлмаган вақтларида Ғиждувон хонақоҳига ўринбосар сифатида Ориф Ревгарийни қолдириб кетган эканлар.

Ориф Ревгарий асарларида ёзадиларки, Хожа Абдулхолиқ дедилар: “Ислом асоси уч нарсададур: Биринчиси – ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз, унинг илмидан воқиф бўлинг! Иккинчиси – ҳар илмники ўрганибсиз унга амал қилинг! Учунчиси – ҳар амалники этгайсиз сидқу ихлос билан адо этгайсиз”. Ориф Ревгарий устозларининг бу ҳаётбахш ўғитларини ўз шогирдлари ва келгуси авлодга ёзиб қолдиришдан мақсадлари исломнинг асоси бўлган бу уч нарса билан таништиришдир. Тоқим шогирдлар



ва келажак авлод унга амал қилсинлар. Исломининг бу уч асоси ёшларни аввало илм олишга чақиради, иккинчидан илмига амал қилиш лозимлигини таъкидлайди ва учинчидан ҳар бир амални холис Аллоҳ ризолиги учун бажаришга даъват этади.

“Орифнома” асарида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг фаросат илми соҳиби эканликларини кўрсатувчи Ориф Ревгарий ўзлари гувоҳ бўлган бир каромат баён этилган: Ашуро ойи эди. Жамоа Ҳазрат Хожа суҳбатларида ҳозир бўлиб, Абдулхолиқ Ғиждувоний эса маърифатдан сабоқ бераётган эдилар. Баногоҳ бир эркак зоҳид ва солиқлар суратида пайдо бўлди: эгнида ҳирқа, кифтида сажодда (жойнамоз), хонақоҳга кирди, бир бурчакда ўтирди ва бир соатдан кейин ўрнидан туриб, ҳазрат Хожага деди: “Мўминнинг фаросатидан қўрқинг! Чунки у улуғ ва қудратли Аллоҳ нури билан боқади” ҳадисининг сирини бизга билдилинг!” Хожа дедиларки, “Бу ҳадиснинг сири шуки, зуннорингни кесгайсан ва иймон келтиргайсан” ул мард зуннори борлигини инкор этди.

Хожа бир ходимларига буюрдилар, ходим йигитнинг ҳирқасини ечди ва белидаги бекитик зуннори намоён бўлди. Ул йигит зуннорини кесди ва иймон келтирди. Хожа дедилар: “Эй ёронлар, бу навахд йигитким, зоҳир зуннорини кесиб, иймон шарафига мушарраф бўлди, биз ҳам ботин зуннориники иборатдур уждин кесайлик ва қайта иймон келтирайлик”. Даврадагиларда ажиб бир ҳол пайдо бўлди ва ҳаммалари тавба ва истиғфорларини тоза айлаб, қайтадан иймон келтирдилар.

Ориф Ревгарий ўзлари гувоҳ бўлган бу воқеани ёзиб қолдириб, устозларининг илми фаросатдан

хабардорликлари ва соҳибкаромат эканликларини эътироф этганлар. Шу билан бирга суҳбатдошларда ҳам ички зуннор, яъни ужб, ман-манлик, худбинлик, шуҳратпарастлик, риёкорлик мавжудлигини англа-тиб шу воқеа орқали улардаги ужбни, яъни ички зуннорни йўқотишга муваффақ бўлдилар. Демак, бу ибратли воқеа Ҳақ йўлидагиларни камтарин, ий-монли қилиб тарбиялашга ёрдам беради.



БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ РУҲИЙ УСТОЗИ

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги манбаларда у кишининг увайсий эканлиги ёзилган. Увайсий – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, хос кишиларга Аллоҳ изни билан берилади. Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанд увайсий эканликлари ва руҳий тарбияни ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийдан олганликлари таъкидланган. Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда таваллуд топганлар. Абдулхолиқ Ғиждувоний 1220 йилда вафот этганлар. Оралиқда 98 йил ўтган бўлсада, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг даражалари шунчалик юксак бўлганки, Баҳоуддин Нақшбандни тарбия қила олган. Хожаи Жаҳон Баҳоуддин Нақшбандга хожагон тариқатининг бошланиши, ўртаси ва охири ҳақида таълим берганлар. Манбаларда бу ҳақда қуйидаги маълумот келтирилган: “Ҳақиқатда у киши (Баҳоуддин Нақшбанд) увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳиятидан тарбия топганлар”.

Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга фақатгина истеъдод ва қобилият борлигини айтиш эмас, балки Аллоҳ томонидан берилган, муборак фитратларидаги, истеъдод ва қобилиятни ривожлантириш учун нима қилиш лозимлигини ҳам айтдилар ва у кишига буюрдилар: “Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин, азимат била амал қил, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, рухсатлар ва бидъатлардан узоқ бўл, доимо Мустафо (с.а.в.)нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг улур

саҳобалари ризвонолоҳи алайҳим ажмаин ахбору асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!”

Абдулхолиқ Ғиждувонийни Баҳоуддин Нақшбандга берган биринчи ўғитлари: “Барча ҳолатда қадминг амру наҳий кўчасида бўлсин.” Бу билан Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга мудом яхшилик ва эзгулик йўлида, яъни Ҳақ кўрсатган йўлга собитқадам бўлишни ва Аллоҳ томонидан ман этилган, тақиқланган, ҳаром қилинган нарсалардан узоқ бўлишни буюрганлар.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг иккинчи ўғитлари: “Азимат билан амал қил!” “Азимат” – араб тилидаги сўз бўлиб, бирор ишга қасд қилиш, ният этиш, интилиш, йўналиш маъноларини билдиради. Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир эзгу амал қилаётганда яхши ният билан, бутун куч – қувватларини йиғиб интилишлари лозимлигини Абдулхолиқ Ғиждувоний таъкид этганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд камолоти учун зарур деб, Хожаи Жаҳон томонидан буюрилган учинчи ўғит: “Суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил!” Суннат Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалари тутган йўл ва пайгамбарнинг буйруқларидир. Баҳоуддин истеъдод ва қобилиятларининг очилиб ва равшан ёнишига ёрдам берувчи учинчи восита суннатга амал қилиш экан.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Баҳоуддин Нақшбандга берган тўртинчи ўғитлари: “Рухсатлар ва бидъатлардан узоқ бўл!” “Бидъат” – араб тилидан олинган бўлиб, динга кейин қўшилган урф-одат маъносини англатади.



Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Баҳоуддин Нақшбандга буюрган бешинчи ўғитлари: “Мустафо (с.а.в.) нинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол!” Бу билан пайғамбар (с.а.в.) айтган сўзлари, қилиб ўтган амаллари ва гўзал ахлоқларини ўзингга ибрат қилиб, уларни пешво, яъни йўлбошчи, раҳбар қилиб ол, деб айтганлар. Ҳадислар Қуръони Каримдан кейин турадиган диннинг асосий манбаларидир. Баҳоуддин Нақшбанд ўз истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш учун ҳадисларни ўрганишлари ва уларга мукамал амал қилишлари лозимлиги таъкидланган.

Баҳоуддин Нақшбандга кўрсатилган олтинчи йўл: “Расулulloҳ (с.а.в.) ва унинг улуғ саҳобалари ахбору асарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!” Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг саҳобаларидан қолган ўғитлар, хабарлар ва асарларини излаб топиб, уни ўрганиб, уларга амал қилиши лозим эканлигини Хожаи Жаҳон таъкидлаганлар.

Муҳаммад Порсо ўзининг “Рисолаи қудсия” аса-рида Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатга оид биринчи муқаддас каломларини изоҳлаб, шундай таъкидлаганлар: “Баҳоуддин Нақшбанд сулуқда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бу амрларига (юқоридаги олтита буйруқларига) қиёмда бўлиб, яъни қойим туриб амал қилардилар. Ҳақ таоло инояти билан ҳар бир васият амали натижасини ўзларида мутолаа қилардилар. Алония, яъни очиқ зикрига амал қилмадилар. Натижада ўз ботин аҳволларида тараққий – юксалишни мушоҳада қилардилар. Шунинг учун қуйидаги муқаддас сўзни Ҳақ йўли толибларига айтганлар”. “Рисолаи қудсия”даги Муҳаммад Порсо таъкидлаган Баҳоуддин Нақш-

банднинг биринчи муқаддас каломида шундай дейилган: “Мусулмончилик – ҳукмларга бўйсунуш, тақвога риоя қилиш, амални азимат билан маҳкам тутиш, рухсатли нарсалардан иложи борича узоқ бўлиш. Бунинг ҳаммаси нур, поклик ва раҳматдир. Булар, валоят даражаларига етиш воситасидир. Авлиёulloҳлар улуғ манзил ва мақомларга мана шу сифатларни парвариш қилиш орқали етишдилар”. Маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбанд Абдуллохлик Гиждувонийнинг амрларига амал қилиб шу даражаларга етишганлар. Шунинг учун ўз ҳаётий тажрибаларига таяниб, бу амрларни нур, поклик, раҳмат ва валоят даражасига етиш воситаси деб юксак баҳо бермоқдалар.

Абдуллохлик Гиждувоний Баҳоуддин Нақшбанддаги истеъдод ва қобилиятни ривожлантириш мақсадида берган ўғитлардан кейин, Баҳоуддин Нақшбандга Насаф шаҳрига томон юзланиб, Амир Сайид Кулол хизматида бўлишни амр этдилар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожаи Жаҳон амрларига бўйсуниб, Амир Кулол хизматига борганлар. Баҳоуддин айтадиларки, Амир Кулол менга кўп илтифотлар қилдилар, лутфлар кўрсатдилар, зикр талқинини қилдилар ва нафйу исбот тариқи билан зикрга машғул қилдилар. Баҳоуддин таъкидлайдиларки, Абдуллохлик Гиждувоний менга амр қилганларидек, мен азимат билан амал қилдим. Амир Кулол ва шогирдларининг зикрлари алония, яъни очиқ, баланд овозда бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, мен Абдуллохлик Гиждувоний ўғитларига амал қилиб, алония зикрига амал қилмадим, яъни Баҳоуддин Нақшбанднинг зикрлари хуфия бўлган. Маълум бўладики, хуфия зикр ҳам Баҳоуддин Нақшбандга



Абдулхолиқ Гиждувонийдан қолган. У киши Амир Кулолдан илмни Хожайи Жаҳон ишорат ва амрлари ила олганлар.

Абдулхолиқ Гиждувоний Баҳоуддинни фитратида мавжуд бўлган илоҳий истеъдод ва қобилият билан таништириб, уларни камол топтиришнинг олтита йўлини кўрсатиб берганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожайи Жаҳон амрлари асосида Амир Кулол ёнларига бориб, таълим олган ва ҳазрат Азизоннинг қулоҳини олиб кийиш бахтига муяссар бўлиб, илоҳий жазабага етишганлар. Баҳоуддин Нақшбанд Хожайи Жаҳон амрларига бўйсуниб, хуфийа зикрга амал қилганлар. Буларнинг натижаси Баҳоуддин Нақшбанд юксак мақомга эришиб, жаҳоншумул Нақшбандия таълимотини асослаганлар. Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин, Шоҳ Нақшбанд, Балогардон, Хожайи Бузург даражасига етишида Абдулхолиқ Гиждувонийнинг хизматлари жуда улкандир.

◆◆◆

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ВАФОТЛАРИ

Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг вафотларига оид турли фикрлар бор. Бу ҳақда энг кўп икки хил фикр: 1179 йилда ва 1220 йилда Ғиждувонда вафот этганлар деган маълумот мавжуд.

Мавлавий Ғулом Сарвар ибн муфтий Ғулом Муҳаммад ал – Лоҳурийнинг “Ҳазинат ул-асфиё” (“Мусаффо кишилар хазинаси”) асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний вафотлари ҳақида шундай маълумот ёзиб қолирганлар:

Абдулхолиқ Ғиждувоний шайхи Ҳақ,
Рафт аз дунё ба Фирдавси барин.
Интиқолаш “офтоби комил аст”,
Ҳам бифармо “матлаи нури яқин”.
Боз “маҳбуби набийи мужтабо”,
Низ “тожи авлиё маҳдиди дин”.

Мазмуни:

Ҳақиқий шайх Абдулқодир Ғиждувоний,
Бу дунёдан, Фирдавс жаннати сари кетди.
Вафоти “офтоби комилдир”,
Яна “матлат нури яқин”дир.
Яна “ маҳбуби набийи мужтабо”,
Яна “ тож ул-авлиё, маҳдиди дин”дур.

Бу мисраларда “офтоби комил”, яъни комил қуёш, “матлаи нури яқин”, яъни ишонч нуруни чиқиш жойи, “маҳбуби набийи мужтабо”, яъни Мустафо (с.а.в.) набийнинг маҳбуби ва “таж ул-авлиё, маҳдиди дин”, яъни авлиёлар тожи ва диннинг ҳидоятга



солувчиси жумлалари, бир томондан Хожа Абдулхолик Ғиждувонийнинг камолот даражасига берилган таърифлар бўлса, иккинчи томондан абжад ҳисоби бўйича 575 ҳижрий йилни кўрсатади ва Хожанинг вафот йиллари 1179 йил эканлигидан далолат беради.

Хожаи Жаҳоннинг вафотлари тарихи ҳақида қуйидаги байтлар сақланган:

Хожаи хожаҳову шайхи кибор,
Он, ки ў буд қутб ул-ақтоби.
Ғар ту тарихи фавти ў талаби.
Қун таважжуҳ ба “Хожа” то ёби.

Мазмуни:

Хожаларнинг хожаси ва улуғ шайх,
Қайси ким, у қутбларнинг қутби эди.
Унинг вафоти тарихини изласанг,
Уни топиш учун “Хожа” сўзига эътибор қарат.

Бу тарихий байтдаги “Хожа” сўзини абжад ҳисобидан маълум бўладики, Абдулхолик Ғиждувонийнинг вафотлари ҳижрий 617, милодий 1220 йилда экан.

Шунингдек тарихий ҳужжатларда Абдулхолик Ғиждувонийнинг вафот йиллари тўғрисида яна қуйидаги мисралар мавжуд:

Хожа Абдулхолик он қутби замон,
Ғиждувонаш буд зоду мавт низ.
Чунки омад вақти парвоз аз жаҳон,
Ғуфт ба ў хез Жаббори Азиз.
Хез чун омад хитоб, ўро зи Ғақ,
Ғашт тарихи вафоти Хожа “хез”.

Мазмуни:

Хожа Абдулхолиқ ўз замонасининг кутби,
Туғилган ва вафот этган жойи Гиждувондир.
Бу жаҳондан парвоз этиб кетиш вақти бўлганида,
Жаббори Азиз, яъни Аллоҳ у кишига “Тургин” деди.
Ҳақ у кишига тур, кел деб хитоб қилгани учун,
Хожанинг вафот тарихи “хез” яъни, тургин бўлди.

Абжад ҳисоби билан “Хез” сўзи ҳижрий 617, милодий 1220 йил санасига тўғри келади. Бизнинг фикримизча, Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг вафот саналари 1220 йилдир. Чунки Нажмиддин Кубро мўғул-татарлар ҳужумини фақатгина Абдулхолиқ Гиждувонийнинг дуолари қайтара олади деб, у кишининг дуоларини олиш учун шогирдларини юборганларида йўлда улар Хожаи Жаҳоннинг вафотларини эшитадилар. Бу тарихий воқеа 1220 йилда бўлиб ўтган эди.

Саъид Нафисий “Рисолаи соҳибия” муқаддимасида Абдулхолиқ Гиждувонийнинг вафотларини ҳижрий 617, милодий 1220 йил эканини ёзган. Унинг фикрича, Гиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийдан сўнг узоқ вақт ҳаёт кўрган. У Барқий, Андоқий, Аҳмад Яссавийдан кейин иршод мақомида ўтирган. Бундан ташқари, у ўзининг “Соҳибия” рисоласининг икки жойида ҳижрий 600, миллодий 1203 йил санасини тилга олади. Нафисий бу далил асосида таъкид этадики, Абдулхолиқ Гиждувоний ҳижрий 600 йилда ҳали тирик бўлган.

Демак, илмий далиллар асосида Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний 1220 йилда вафот этганлари, 117 йил узоқ ва барокотли умр кўрганликларидан далолат беради.



Абдулхолиқ Гиждувоний муборак жасадлари она-ларининг оёғи томонида кўмилган. “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган ҳадиси шариф асосида Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний оналарини эъзозлаб, эҳтиром этиб шогирдларига шу жойга кўмишни васият этганлар. Бу ҳам Абдулхолиқ Гиждувонийнинг умрлари давомида мудом Қуръон ва ҳадисларга амал қилганларини кўрсатади.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг муборак қабрлари ёнида улуғ аллома Мирзо Улуғбек мадраса қурдирган. Бу Абдулхолиқ Гиждувоний каби улуғ зотни илм аҳли ва халқ нақадар эъзозлаганлигини кўрсатади.

Абдулхолиқ Гиждувоний Хожаи Жаҳон номи билан машҳур бўлиб, Ўрта Осиёда илк мумтоз тариқатлардан бири Хожагонни асослаганлар.

Хожагонлар тариқатида иршод бериш ҳуқуқига эга бўлгандан кейин Хожаи Жаҳон Гиждувон қалъасига кириб келганлар. Бу хушxabар бутун қалъа халқи бўйлаб тарқалган. Бу улуғ зот зиёратига келиб кетадиганлар сони кундан-кунга кўпайиб бораверган. Бу хушxabар Хожаи Жаҳоннинг ота-онаси юрти бўлган Румгача бориб етди. Рум подшоҳи хушxabарга жавобан бир олам бойлик юборди. Олтин юкланган туя карвони Гиждувон қалъасининг жануб томон дарвозасидан дохил бўлди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний Рум подшоҳи ҳаққига дуойи хайр ўқиди. Карвонбошига юкларни масжиди жомеъ ҳужрасига туширишни буюрди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний Вобкент қалъаси ўртасига Бухоро шахристонидагидек улкан минора қуриш лозимлигини оқсоқолларга етказганида, фикри маъқулланди. Усталарни ёллаб, ҳисоб-китобни ҳам бир йўла қилди. Ҳисоб-китобдан ортиб қолган тухфа-олтинларни намози пешингача ҳар бола бошига етим-есирларга бўлиб берди. 1196-98 йилларда қуриб битказилган Вобкент минорасини Садр (мансабдор) Бурҳониддин Абдулазиз II қурдирган деб тарихий манбаларда ёзилган. Манбадаги далиллардан маълум бўладики, мазкур минорани қурдириш ғоясини Абдулхолиқ Гиждувоний берганлар ҳамда қуришга лозим бўлган маблағлар ҳам Хожаи Жаҳон томонидан эҳсон қилинган.¹³ Ўзбекистондаги мино-

¹³ Қаранг: Мансуржон Азим Ўғли. Ҳазрат Баҳоуддин



ралар орасида энг ихчам ва кўркам бўлган бу минора ҳозирги кунгача ҳам кўрганда кўзни қувонтиради ва фахр этиш ҳиссини уйғотади. Вобкент минораси қурилиш тарихида Хожаи Жаҳоннинг муносиб ҳиссалари борлигини унутмаслигимиз лозим. Бу кишининг сахийликлари, ватанпарварликлари ҳозирги кун тадбиркорлари учун ҳам ибрат бўлмоғи лозим.

2003 йилда Абдулхолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланиб, у кишининг асарлари, у кишига доир мақомот, маноқиб, таъкиралар нашрдан чиқди, таржима этилди ва қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Абдулхолиқ Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги 2020 йилда нишонланади. Бизнинг бу илмий изланишимиз шу муборак санага камтарона тухфадир.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг ҳаёт йўлларини ўқиб, ўрганиб, бу муборак зот тавсифларни ёзиб, қалбимизда шундай улуғ ва азиз инсон билан ватандош бўлганимиз учун чексиз ғурур ҳиссини туйдик. У кишининг камолот даражаларини нақадар улуғворлиги ва маҳобати олдида ҳайратда қолдик. Қалбимизда шундай инсонга муносиб авлод бўлиш ва улар ғояларини амалга ошириш йўлида камарбаста бўлиш нияти туғилди. Фарзандларимиз ва келажак авлод бу гўзал сиймога ўхшашини Аллоҳдан тилаб қолдик...

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Абдулхолик Гиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, № Ф-4988, 11 июль 2017 йил.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекист 96он, 2016. 56 бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлилий, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 104 бет.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза. 2016 йил 7 декабр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 48 бет.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур ки-



тобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 488 бет.

6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.

7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999.

8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг асарлари ва таржималари

1. Абдулхолиқ Гиждувоний. Одоб ут-тариқат. ЎзР ФА ШИ, инв. №5765/ IV.

2. Абдулхолиқ Гиждувоний. Рисолаи васоё. ЎзР ФА ШИ, инв. №12327

3. Абдулхолиқ Гиждувоний. Ибтидоий жомий ул-калон. (Васиятнома) ЎзР ФА ШИ, инв. №3039/IV

4. Абдулхолиқ Гиждувоний. Маноқиби Хожа Юсуф Ҳамадоний. ЎзР ФА ШИ, инв. №1344/VIII

5. Абдулхолиқ Гиждувоний. Васиятнома. ЎзР ФА ШИ, инв. № 3711/XV

6. Аз гуфтори Абдулхолиқ Гиждувоний. ЎзР ФА ШИ, инв. №1494/IV

7. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Васиятнома. // Масъул муҳарир: Хуршид Даврон. / – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.-14-15-б.

8. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. // Ибодат Ражабова. Бухоронур ёки етти пир. Бухоро: “Бухоро”, 2012.-153-154-б.

9. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Одоби тариқат. // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Таржимон Маҳмуд Ҳасаний. / – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 97-101-б.

10. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й.

11. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Рисолаи соҳибия (ёки Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний) / Зикри қалб султони. Бухоро: “Бухоро”, 1993. 153-185-бетлар.

12. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. / Таржимонлар: С.Сайфуллоҳ ва Н.Ҳасан. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 9-31-бет.

13. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтганларидан. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Таржимон Маҳмуд Ҳасаний. / Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 112-121-б.

14. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. // Мухсонхожа Даҳбедий. Зубдат ул-ҳақойиқ. Таржимон. К.Каттаев. / – Комилхон Каттаев. Тасаввуф алломалари – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт. НМИУ, 2017 й. 208-209-б.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида маълумот берувчи манбалар ва уларнинг таржималари

1. Ориф Ревгарий. Орифнома. Қўлёзма. Муаллиф кутубхонасида.

2. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Лакнау 1399.

3. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи тариқаи хожагон. ЎзР ФА ШИ, инв. №8825/ III



4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ЎЗР ФА ШИ, инв. №5420

5. Аҳмад Хожаги Косоний. Рисолаи чаҳор калима. ЎЗР ФА ШИ, инв. №501-XVI

6. Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. ЎЗР ФА ШИ, инв. №1466

7. Муҳаммад Дорошуқуҳ. Сафинат ул-авлиё. Конпур.1900.

8. Муҳаммад Тоҳир Эшон.Тазкираи Нақшбандия. ЎЗР ФА ШИ, инв. №855/II

9. Фахруддин Али Сафи. Рашахот айн ул-ҳаёт. ЎЗР ФА ШИ, инв. №1788.

10. Шайх Аҳмад Бухорий. Маслак ул орифин. ЎЗР ФА ШИ қўлёзма инв №3701.

11. Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Қуллол. Тошкент: Ильин, 1328 х.й.

12. Ҳазиний. Жавоҳир ул-аброр мин анвож ул-баҳор. Туркия. Кайзерий, 1995.

13. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. // Таржимонлар. Садридин Салим Бухорий, Исроил Субҳоний. / – Т.: Наврўз, 1994.

14. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. М.А.Т. 17 том. – Т.: 2001. 253-255-б.

15. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. // Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Таржимонлар: М.Ҳасаний, М.Раззоқова ва Г. Музаффарова. Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 17-48-б.

16. Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. // Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Таржимонлар: М.Ҳасаний, М.Раззоқова ва Г. Музаффарова. Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 51-72 б.

17. Тоҳир Эшон. Тазкираи Нақшбандия. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний зикри. // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Таржимонлар: М.Ҳасаний, М.Раззоқова ва Г.Музаффарова. Т.: “Ўзбекистон”, 2003. 73-92-б.

18. Маҳдуми Аъзам. Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. // Овози тожик. 2003 йил 2 август. Файз Маҳмуд таржимаси. Ўзбек тилига Эркин Зоиров таъдиди.


19. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. “Муъин ал-фуқаро”. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри) – Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. Т.: “Янги аср авлоди”, 2009.

20. Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2001. 119 б.

21. Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал – Ҳанафий ал-Бухорий. Хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. Илмий-оммабоп тўплам. Таржимон: Б.Қазоқов. Бухоро: 1993.

22. Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. Таъдид ва сўнгсўз муаллифи: М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. – 536 б.

23. Хожаи Жаҳон – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Таржимонлар: М.Ҳасаний, Г.Музаффарова. Т.: “Наврўз”, 1994.



**Абдулхолиқ Гиждувоний ҳақида маълумот
берувчи илмий тадқиқотлар натижалари**

1. Авлиякулов Н.Х. Нақшбандия таълимоти жаҳон цивилизация ривожланиши баёнида. Т.: “Fan va texnologiya”, 2018. 60 б.

2. М.Н.Болтаев. Хўжа Абдулхолиқ Гиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. // Бухоро: 1994. 50 б.

3. Имом Исмоил ал-Бухорий. Жомеъ ас-саҳиҳ, Т.1-4.Т.: 1994.

4. Инайят-хан. Суфийское послание о свободе духа. Москва.1914.

5. Ислом. Энциклопедия:. А-Ҳ / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2017.

6. Комилхон Каттаев. Тасаввуф алломалари – Т.: Фафур Ғулом номидаги МНИУ, 2017. 320 б.

7. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Movarounnahr” – “O’zbekiston”, 2009.

8. Мансуржон Азим Ўғли. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. Т.: “Sano-standart”, 2015. 96 б.

9. Маънавият юлдузлари. Т.: Халқ мероси, 1999. 396 б.

10. Мухлис Намангоний. Тухфат-ул обидин. Нашрга тайёрловчи Фурқат Ниёз Шофирконий. Бухоро: Наврўз, 2000.

11. Муҳаббат тароналари: рубоийлар. Форс тилидан Эргаш Очилов таржимаси. Т.: “Шарқ” 2005. 129-134-бетлар.

12. Наврўзова Г.Н., Шарипова О.Т. Абдулхолиқ Гиждувоний. Комил инсон тарбияси ҳақида. – Бухоро: “Бухоро”, 2000. 166 б.

13. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия камолот йўли. Т.: “Фан”, 2007. 190 б.

14. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 174 б.

15. Наврўзова Г.Н., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний – етти пирнинг табаррук устози Т.: “MASHHUR PRESS”, 2016.

16. Наврўзова Г. “Назар бар қадам” – ҳаётбахш ғоя. // Мулоқот. 2003-№3, 38-40-бетлар.

17. Наврўзова Г. Назар бар қадам. // Мулоқот. 2004 – №5, 23-25-бетлар.

18. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: “Фан”, 2005. 232 б.

19. Наврўзова Г. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотига оид ғоялари. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006 -№3, 198-201-бетлар.

20. Наврўзова Г. Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби. // Бухоро мавжлари. 2007 – №3, 32-34-бетлар.

21. Наврўзова Г., Зоиров Э.Х., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2006. 133 б.

22. Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг ўрни ва роли. Т.: “Чашма Принт”, 2013, 125 б.

23. Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавия-тимиз. Бухоро: 2008. 103 б.

24. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. Тошкент: “Мумтоз”, 2015.

25. Ориф Усмон. Ғиждувоний таълимоти. Т.: “Фан”, 2003. 24 б.



26. Ориф Усмон. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Т.: Мовароуннахр, 2003, 67 б.

27. Ориф Усмон. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. / Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз. Бухоро: 2008. 15-24-бетлар.

28. Рафиддинов Сайфиддин. Шайх Аҳмад Бухорий ва унинг “Маслак ун-орифин” асари. / Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз. Бухоро: 2008. 54-56-бетлар.

29. Садриддин Салим Бухорий., Самад Азимов. Хожаи Жаҳоним бор. – Бухоро: “Бухоро”, 2003. 94 б..

30. Садриддин Салим Бухорий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: Ўқитувчи, НМИУ. 2007. 120 б.

31. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Т.: “Наврўз”, 2017. 46 б.

32. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003. 23 б.

33. Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Буюк гиждувонийлар. (Авлиё ва алломалар) Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006.

34. Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Ҳазрат Боязид Бастомий ёки Навоий вилояти зиёратгоҳлари. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2010, 207 б.

35. Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Т.: “Navro'z”, 2015. 360 б.

36. Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Хожагон – нақшбандия машойихлари. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 31-76-б.

37. Сафарова Нигора. Хожагон тариқати. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2003. 68 б.

38. Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в исламе // Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимугкина. Москва: Наука. Глав. ред. вост. лит-ры, 1989.

39. Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари) Т.: Akademiya, 2005.

40. Фотима Тимур. Қўнгил дўстлари. Бирнчи китоб. Йўлдош Эшбек таржимаси. – Т.: “Мовароуннахр”, 2004. 140 б.

41. Хожаи Жаҳон тасввуфий таълимоти: ворисийлик ва маънавий тараққиёт. Т.: 2003.

42. Шарипова О. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. Т.: “Фан”, 2008. 118 б.

43. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: “HILOL-NASHR”, 2016. 296 б.

44. Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. “Мозийдан садо” журнали. 2002.-N 1.-24-бетлар.

45. Ҳасаний М., Раззоқова М. Ғиждувоний ҳақидаги рисола ва мақолалар. Т.: “Фан”, 2003. 23 б.

46. Ҳасаний М., Қиличева К. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. Т.: “Фан”, 2003. 50 б.

47. Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т.: 2003. 47 бет.

48. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т.: “Шарқ”, 2004. 208 б.

49. Қодиров Д., Мавлонова Ў., Нақшбандия тариқати силсиласи ва тасаввуф алломаларининг маънавий хислатлари. Т.: “Наврўз”, 2017. 280 б.



50. Қосимов У. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Хожагон мактаби нақшбандия таълимоти рашҳаларнинг психологик жиҳатлари. Бухоро: “Бухоро”, 2002. 59 б.

51. Қосимов У. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Хожагон тариқати рашҳаларининг психологик жиҳатлари. Бухоро: “Бухоро”, 2002. 84 б.

52. Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т.: 2001.

53. Ғафуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. Т.: “Маънавият”, 2000. 184 б.



МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш..... | 3 |
| Хожаи жаҳон тавсифи..... | 7 |
| Туғилишга оид кароматлар..... | 11 |
| Сабоқ берган устозлар..... | 13 |
| Маънавий мероси..... | 21 |
| Хожагон таълимоти асосчиси..... | 23 |
| Хожаи жаҳоннинг тўрт ҳаётбахш рашҳалари..... | 32 |
| Ҳаётбахш ўғитлари..... | 44 |
| Хожаи Жаҳон рубойлари..... | 53 |
| Тасаввуфга оид айтганлари..... | 62 |
| Устозга эҳтиром..... | 72 |
| Ибратли ривоятлар..... | 78 |
| Шогирд эътирофи..... | 83 |
| Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий устози..... | 86 |
| Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг вафотлари..... | 91 |
| Хулоса..... | 95 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 97 |

Илмий-оммабон нашр

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА

АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

(Монография)

Ношир ва муҳаррир:

О. Муҳаммадиев

Мусахҳиҳ ва техник муҳаррир:

О. Джураев

Саҳифаловчи-дизайнер:

М. Шукуров

Лицензия: АІ № 132. 14 март 2009 й.

“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти.

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани,

Хўжа Исмоил шаҳарчаси.

Тел.: (0366) 240-2019.

E-mail: buxoriy_saboqlari@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 19.09.2020 йил.

Бичими: 60x84 ¹/₃₂. “PT Serif” гарнитурасида
офсет босма усулида босилди.

6.25 шарт. б.т. 6.0 ҳисоб нашр. таб.

Адади 5 000 нусха 19/09-сон буюртма.

«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент ш. Чорсу майдони, 3-А уй.